

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА-МАХСУС ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ

Қўлёзма ҳуқуқида

УДК: 72.036

ХОЛМАТОВ ОТАБЕК АСҚАРОВИЧ

**“МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДАГИ ЭСКИ ТОШКЕНТНИНГ
ШИМОЛИЙ-ҒАРБИЙ ҚИСМИ АРХИТЕКТУРАСИ”**

**Мутахассислик: 5А 340102 - Архитектура назарияси ва тарихи,
архитектура ёдгорликларини тиклаш**

Магистр

академик даражасини олиш учун ёзилган диссертация

Ҳимоя қилишга рухсат

Кафедра мудири: арх.ф.н.

Магистратура бўлими бошлиғи

Т.Ш.Маматмусаев_____

_____ **О.Маманазаров**

“ ____ ” _____ 2014 й.

“ ____ ” _____ 2014 й.

Илмий раҳбар: арх.ф.н., доцент

Ш.З.Нурмухамедова_____

“ ____ ” _____ 2014 й.

ТОШКЕНТ - 2014

МУНДАРИЖА

Кириш	3
I-бўлим. Эски Тошкентнинг мустақиллик йиллари шаҳар қурилиши тузилмасидаги аҳамияти	12
1.1. Эски шаҳар таркибидаги архитектуравий ёдгорликлар, маҳаллалар ва маҳалла марказлари	12
1.2. Турар уйлар меъморлиги	31
1.3. Маданий жойлар (мозорлар, гузарлар).....	42
Бўлим бўйича хулосалар	48
II-бўлим. 1920-80 йилларда Тошкент шаҳри қайта қурилиши кўринишлари (Шахристон, Кальковуз)	49
2.1. Микротуманлар: М-26, 27 ва уларнинг ўзига хос жиҳатлари	49
2.2. Сағбон, Қорасарой кўчалари қурилиши	53
2.3. Эски шаҳар қайта қурилиши: бозорлар ва унинг атрофлари, янги қурилган маҳаллалар	55
Бўлим бўйича хулосалар	57
III-бўлим. Мустақиллик йилларида Тошкентнинг собиқ Марказий қисми бўлган эски шаҳарнинг қайта қурилиши	59
3.1. Эски шаҳарни қайта қуриш бўйича режалаштирилган ишлар (М-25, 26 мавзеларининг замонавий кўриниши)	59
3.2. Эски турар жойлардаги ўзгаришлар: ҳаёт тарзи, яхшиланиш даражаси (коммуникация ва газификация)	60
3.3. Тошкент шаҳри замонавий кўриниши. Амалий ишлар	66
Бўлим бўйича хулосалар (Эски шаҳарни қайта қуришнинг ташкилий ишлари. Йирик жойларда (Чорсу, Хадра, Эски Жўва))	76
Умумий хулосалар (Президент қарорига кўра эски шаҳарни 2020 йилгача қайта қуриш ва уни ҳаётга татбиқ этиш муаммолари)	78
Л у г а т	80
Фойдаланилган адабиётлар	83

КИРИШ

Тошкент шаҳрининг энг муҳим қисми бўлган Эски шаҳар ҳудудини тубдан реконструкция қилиш ва ободонлаштириш ишларини янги босқичга кўтаришга алоҳида эътибор қаратишимиз даркор. Шу муносабат билан яқинда Тошкентнинг Эски шаҳар қисмини 2020 йилгача бўлган даврда ривожлантириш ва ободонлаштириш бўйича алоҳида ҳужжат –Президент қарори қабул қилинди. Му муҳим ҳужжатлар Эски шаҳарни тубдан реконструкция қилиш, янада ривожлантириш ва ободонлаштириш, аҳолининг ҳаёт сифатини ошириш, замонавий талаблар, шаҳарсозлик принциплари ва меъёрларига мувофиқ тарзда ижтимоий, транспорт ва муҳандислик–коммуникация инфратузилмаларини шакллантириш, миллий меъморлик анъаналарини асраб-авайлашга қаратилган бир қатор чора тадбирлар кўзда тутилган. Жумладан, иккита зоят муҳим масалани ечишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Биринчи масала – Эски шаҳар ҳудудидаги мавжуд аҳвол, авваламбор, йўл-транспорт коммуникацияларининг ҳолати, турар-жой массивларининг ичимлик суви, канализация, иссиқлик ва электр энергияси билан таъминланиш даражаси замонавий талабларга, шаҳарсозлик ва санитария меъёрларига қанчалик жавоб беришини ҳисобга олишдан иборат.

Иккинчи масала – реконструкция ишларини амалга оширишда Тошкент шаҳри, айниқса, унинг Эски шаҳар қисмидаги миллий меъморчилигимизнинг ўзига хос хусусият ва анъаналарини, халқимиз маданий меросининг тимсоли бўлган, ислом маданияти ва жаҳон цивилизацияси ривожига улкан ҳисса бўлиб қўшилган тарихий-меъморий ёдгорликларини асраб-авайлашдан иборат. Ана шу муҳим йўналишлар Тошкентни истиқболда замонавий шаҳарсозлик асосида ривожлантириш ва ободонлаштириш дастури лойиҳасини шакллантиришда асос бўлиб хизмат қилиши даркор. Таъкидлаш керакки , бу дастур 2020 йилга қадар босқичма –босқич амалга оширилади. Унинг ҳар бир йўналиши бўйича, мутахассислар, архитектор ва лойиҳачилар,

тарихчи олимларни жалб этган ҳолда, ишчи гуруҳлар ташиқил этиши кўзда тутилмоқда.

Албатта, ана шу ишчи гуруҳлар томонидан тайёрланган материаллар асосида ишлаб чиқиладиган дастур лойиҳаси кенг жамоатчилик иштирокида муҳокама қилинади. Чунки бу ўринда сўз бутун халқимиз, мамлакатимиз тарихига, унинг миллий қадрият ва анъаналарига, минг-минглаб юртдошларимизнинг бугунги ва эртанги ҳаётига бевосита дахлдор бўлган масалалар ҳақида бормоқда. Энг муҳими, Тошкентнинг қандай қадимий ва бой ўтмиши борлигини, дунёда 2200 йиллик тарихига эга бўлган шаҳарлар бармоқ билан санарли эканини ҳеч қачон унутмаслигимиз керак. Йиллар, асрлар ўтса ҳам, эски ўрни бузилиб кетган бўлса ҳам, бундай қадимий шаҳарларда одамлар тарихий хотира туйғусини йўқотмасдан, кўҳна манзил ва масканларни доимо эслаб юради. Тошкентнинг ўн икки қадимий дарвозасини, уларнинг Лабзак, Қашқар, Қўқон, Қайтмас, Бешёғоч, Камолон, Самарқанд, Кўкча, Чигатой, Сағбон, Қорасув ва Тахтапул деган номларини халқимиз ҳозирга қадар ёдидан чиқармасдан келаётгани ҳам бу фикрни тасдиқлаб турибди. Барчамизга яхши маълумки, собиқ совет даврида, айниқса, 1966 йилги Тошкент zilзиласидан кейин узоқни ўйламасдан, палапартиши қилинган ишлар туфайли пойтахтимиз ривожини билан боглиқ кўпгина муаммолар тўпланиб қолган эди.

Калтабинларча олиб борилган ишлар туфайли Тошкентнинг бетакрор табиатиға катта зарар етказилди, қанча-қанча боглар бузилиб, ариқ ва булоқлар кўмилиб, уларнинг ўрнида иқлим шароитимизга мутлақо тўғри келмайдиган, бир-бирига ўхшамайдиган кўпқаватли темир-бетон уйлар, ишлаб чиқариш корхоналари ўйламай-нетмай қуриб ташланди. Яқин ўтмишидаги ана шундай аччиқ тажрибалар шундан далолат берадики, шаҳарсозликда етти марта эмас, етмиш марта ўлчаб, бир кесиш керак.

Ислом Каримов

Ўзбекистон Республикаси Президенти

Мавзунинг долзарблиги. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёдгорликларни сақлаш ва таъмирлашга бўлган эътибори туфайли, мамлакатимизда кўпгина ёдгорликлар қайта таъмирланиб, яхши ҳолатга келтирилмоқда.

Мустақилликка эришганимиздан сўнг архитектура ёдгорликлари ва шаҳарсозлик комплекслари қайта тикланиб мамлакатимизнинг кўркига айланиб бормоқда.

Ушбу йўлда Олий Мажлис томонидан 30.08.2001 йилнинг 30 августида “Маданий ёдгорликларни сақлаш ва улардан фойдаланиш” бўйича Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинди ва 2002 йилнинг 4 апрелида “Ўзбекистон Республикаси шаҳарсозлик Кодекси” ишлаб чиқилди. Булар ёдгорликларни сақлаш, таъмирлаш ва улардан фойдаланиш бўйича қонун қоидаларни ўз ичига олган.

Тарихий шаҳарларни ривожлантириш муаммосини самарали ҳал қилишда ёдгорликлардан замонавий мақсадларда фойдаланиш масаласи энг долзарб муаммолардан бири бўлиб ҳисобланади. Тарихий шаҳар марказларини замон талабларига мувофиқ такомиллаштириш ва қайта тиклаш меъморий ёдгорликлар билан янги қурилишларнинг ўзаро уйғун боғланиши муаммосига илмий ёндашувни талаб қилади. Бу муаммо одатдагидек, шаҳар тизимида комплекслар, мажмуалар ва алоҳида меъморий ёдгорликлар мавжудлигига асосланади.

Барчамизга маълумки, меъморий ёдгорликларнинг жамиятимизга хизмат қилишини яхши йўлга қўйиш, уларни тарихий ва бадиий аҳамиятини йўқотмаган ҳолда асраш, замонавий бино ва иншоотлар билан тенг “яшашлари” учун ҳукуматимиз томонидан катта эътибор берилмоқда, чунки ноёб ёдгорликлар у ёқда турсин, эгасиз, одамсиз қолган ҳар қандай уйнинг ҳам тезда файзи кетиб, ночор аҳволга тушиб қолиши муқаррардир. Шунинг учун ёдгорлик фақат кўз-кўз қилинадиган бойлик бўлиб қолмасдан, у инсон билан бевосита мулоқотда бўлишини талаб қилади.

Юқоридаги муаммони ижобий ҳал қилиш учун биздан ёдгорликни

бирор хизматга мослаштириш усулларини ўрганиш ва илмий асослаб беришнинг асосий масалаларини аниқлаш талаб этилади.

Ҳозирги шароитда моддий маданият, меъморчилик маданиятлари ва бошқа тарихий иншоотларга бой бўлган шаҳарлар реконструкциясига алоҳида эътибор бериш зарур. Самарқанд, Бухоро ва Хива каби шаҳарларга қўшимча Тошкентнинг эски шаҳар ҳудудини реконструкция ва модернизация қилиш масаласини ҳал қилиш Ўзбекистонда туризмни ривожлантириш муаммоси билан Ўзбекистоннинг дунё аҳамиятига эга моддий маданият ёдгорликларини сақлаш ва оммалаштириш билан ўзаро алоқада кўриб чиқиши керак.

Ватанимизнинг қадимий меъморчилик ёдгорликлари, халқ усталари маҳоратлари, кўп миллатли маданиятнинг этнографик хусусиятлари, табиий иқлим-шароитининг турли-туманлиги, ландшафтлар бойлиги ва бошқа жиҳатлари барчада катта қизиқиш ўйғотади ва чет эл сайёҳлиги ривожига имкон яратади. Бой тарихий ва маданий мерос, шунингдек янги шаҳарлар, улкан қурилиш, бинолар ва иншоотларда ўз ифодасини топаётган ҳозирги давр ютуқлари республикамизда сайёҳлик йўналишининг халқ хўжалиги соҳалари каби ривожланиши учун битмас-туганмас имконият яратди.

Тошкент Марказий Осиёнинг қадимий ва кўҳна шаҳарларидан биридир. Бугунги кунда дунёдаги минг минглаб сайёҳларнинг эътиборини ўзига жалб этаётган ана шу афсонавий шаҳрида сақланиб қолган меъморий обидалар Шарқ уйғониш даврида бунёд этилган. Лекин Ўзбекистон Фанлар академияси олимлари олиб борган меъморлик изланишларидан маълум бўлдики, бу ҳудудлар остида “Маданий чўкиндилар” нинг бой қатламлари бор экан.

Тошкентнинг эски қадимий кўчалари ўтмиш кишилар донишмандлигининг бебаҳо хазинаси бўлиб қолмоқда, унинг сирлари йиллар ўтгани сайин янада очилиб боради. Кўчаларни ёзма ҳужжат сингари сақлаб қолиш зарур! Бугунги кунда бу масалалар бутун дунё меъморлари ҳал қилаётган энг долзарб муаммолар қаторида туради.

Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг кўҳна обидаларга ва тарихий кўчаларга эътибор янада кучайди. Кўплаб мадраса ва саройлар, турар-жой уйлари, ноёб ёдгорликлар таъмирланди. Уларни келажак авлодларга авайлаб асраб етказиш учун тинмай ғамхўрлик қилинмоқда.

Мустақиллик йилларида Тошкентда барпо этилган мухташам бинолар, хиёбонлар, масжиду мадрасалар, кўҳна Шарқ усулида қурилатган бозорлар ва расталар, қад ростлаётган меҳмонхона ва бошқа иншоотлар шаҳарга кўркемлик бахш этади. Шаҳар халқи ҳаётида ҳам буюк ижобий ўзгаришлар юз бермоқда.

Ушбу қадимий шаҳарларнинг асл қиёфаларини сақлаш, уларни уйғунликда ривожланиши, янги жиҳозлар ва инфраструктураларни жорий этиш учун, меъморий ечимларни атроф - муҳит билан бирга боғлаган ҳолда глобал маънода шаҳарсозлик сиёсатини юритиш зарурдир.

“Маданият” меъморий мерослар билан боғлиқ бўлиб, туризм иқтисодий манфаатларни назарда тутувчи иқтисодиёт соҳасидир. Аммо биз, меъморий қадриятлар ва қадимий биноларни таъмирлаш иқтисодиётнинг қурилиш, қурилиш материаллари, ишлаб чиқариш, ҳунармандчилик, меъморчилик ва муҳандислик, тарих ва археология, амалий санъат, гуманитар фанлар, антропология, социология каби соҳаларни ўзи билан боғлиқ тарзда олиб юрувчи эканлигини унутмаслик лозим.

Шубҳасиз, Ўзбекистон маданият соҳасидаги инвестициялар учун, тушуниш, сабр қилиш ва тинч-тотувлик воситаси сифатида майдонга чиқади. Унча катта бўлмаган масштабда ҳамда халқаро масштабда ҳаракатлари билан бу лойиҳа ижобий самара бериши мумкинлиги жуда муҳимдир.

Маълумки, Ўзбекистоннинг тарихий ва янги шаҳарларида меъморий обидалар қаторида турар жой бинолари асосий қисмни ташкил этади. Уларнинг кўпчилиги, айниқса, «эски шаҳар» ҳудудида қурилиш материаллари ва конструкциялари нуқтаи назаридан (юпқа синчли каркас, гувала деворлар, лой томлар) умри қисқа, узоққа чидамайди. Шу сабабли

кўхна турар жой бинолари кун сайин таъмирланишни, улар ўрнига янгича, чидамли турар-жой бинолари қад кўтарилишини тақозо этмоқда.

Маҳалланинг ҳаётимиздаги мавқеи юксак унинг қонуний, ҳуқуқий асослари ҳар томонлама мустаҳкам бўлиб ривож топса, бу иборани жамиятимиз сиёсий иқтисодий ва маънавий ҳаётининг ажралмас бир қисми, қуйи бошқариш тизими сифатида нечоғли кучайтирсак бунинг учун барча моддий молиявий шароитларини ташкил қилиб борсак ўйлайманки, бу ўз олдимизга қўйган олий мақсадларга эришиш йўлида катта қадам бўлади.

Замонавий маданият концепцияда Тошкент шаҳрида сўз борар экан, энг аввало, пойтахтнинг ижтимоий мақомига мос келувчи архитектураси маданий тараққиётнинг муҳим белгилари ҳисобланган. Буларнинг барчаси умумжаҳон сивилизатсиясининг бир бўлаги бўлиб, икки минг икки юз ёшга эга улкан, кўп асрли тарихий-маданий меросга асосланади.

Ҳозирги Тошкент шаҳри қадимий маданий қатламга асосланган, ушбу пойдеворнинг асл моҳиятини сақлаган ҳолда, янги шарт-шароитларга мослаб ўзгартирилган ва модернизациялаштирилган. Тошкент шаҳрининг меъморчилик мероси XIX-XX аср европа классик ва замонавий модерн архитектурасининг энг яхши намуналарини ўрта асрларнинг бетакрор урбанитик тарихий мероси билан уйғунлаштирган ҳолда ўзининг мустақил, ўзига хос анъаналарини сақлаб қолди. Шаҳар иншоотларининг қурилишида тарихий услубларга мурожаат қилиш сўнгги 18 йил ичида яратилган биноларда яққол кўзга ташланади. Олий Мажлис Сенати ва қонунчилик палатаси, Темурийлар тарихи Давлат музейи, Темир йўл вокзалининг пештоқи, Тошкент давлат консерваторияси, Тошкент ислом университети, Шаҳидлар хотираси музейи, «Ўзбекистон» Халқаро анжуманлар саройи бинолари бизларга Тошкент тарихий ёдгорликларининг қурилиш услубини эслатади.

Шу билан бирга, шаҳар меъморчилик фалсафаси Тошкентнинг умумий қиёфасига ёт бўлмаган соф европа намуналарини ҳам ўз ичига олади. Булар

ҳозирги кунда Ташқи ишлар вазирлиги қабуллар уйи бўлган княз Н.К. Романовнинг саройи, Тошкент Давлат юридик институти, Тошкент халқаро Вестминистер университети, Тошкент тиббиёт академияси бинолари ва бошқалар.

Замонавий жаҳон меъморчилиги мактаби тажрибаси эса Тошкентдаги Интерконтинентал меҳмонхонаси, Халқаро Бизнес маркази, Ўзбекистон тасвирий санъат галереяси, Ўзбекистон Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки, Ўзбекистон Марказий банки каби янги иншоотларда намоён бўлади. Пойтахтнинг бош Мустақиллик майдонидаги Истиклол ва инсонпарварлик ёдгорлиги, ўтмиш, бугун ҳамда келажак боғлиқлигини ифодаловчи Эзгулик аркаси ва Меъморий мажмуасидан иборат ўзига хос бадиий-меъморий ансамбли янгича миллий архитектура ривожининг намоёниши бўлди.

Тарихий меъморий обидаларнинг сақланиши ҳақида алоҳида тўхталиш лозим. Ўзбекистон бу борада ўзининг концепциясига эга бўлиб, Президент Ислом Каримов ва республика ҳукумати шаҳарнинг тарихий ёдгорликларини қайта тиклашга катта эътибор қаратмоқда. Шу боис, ҳозирда Ҳазрати Имом мемориал комплекси, Шайх Зайниддин бобо, Юнусхон, Шайх Хованди Тоҳур, Хўжа Аламбардор мақбаралари, Кўкалдош ва Шайх Абулқосим сингари мадрасалар 15-20 йил аввалги ҳолатидан тамомила бошқача қиёфа касб этган. Албатта, Тошкентнинг, умуман Ўзбекистоннинг ислом илоҳиёти ва тасаввуф илми тараққиётидаги аҳамияти ҳақида тўхталмаслик мумкин эмас, халқнинг ахлоқий қадриятлари ривожига ўзларининг бебаҳо ҳиссаларини қўшган Абу Бакр Муҳаммад Қафғол Шоший, Хўжа Аламбардор, Шайх Хўжа Аҳрор каби машҳур намоёндаларни айтиб ўтишнинг ўзи етарли.

Бугунги кунда Тошкент шаҳрининг энг муҳим қисми бўлган эски шаҳар худудини тубдан реконструкция қилиш ва ободлаштириш ишларини янги босқичга кўтариш алоҳида эътиборга молик. Шу муносабат билан яқинда Тошкентнинг эски шаҳар қисмини 2020 йилгача бўлган даврда ривожлантириш ва ободонлаштириш бўйича алоҳида ҳужжат – Президент

қарори қабул қилинди. Ушбу қарор бўйича реконструкция ишларини амалга оширишда Тошкент шаҳри, айниқса унинг эски шаҳар қисмидаги миллий меъморчилигимизнинг ўзига хос хусусият ва анъаналарини, халқимиз маданий меъросининг тимсоли бўлган тарихий–меъморий ёдгорликларини асраб-авайлаш долзарб масалалардан бўлиб турибди.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Тошкентнинг эски шаҳар худудини тадқиқ этган олимлардан Булатова В.А., Маньковская Л.Ю., Ванке А.И., Қодирова Т.Ф., Асқаров Ш.Д., Жаббор У.С., Пўлатов Х.Ш., Зияев А.А., Ақопджанян ва бошқа олимларни мисол қилиб келтириш мумкин. Лекин бугунги кунда Президент фармонига асосан 2020 йилгача эски шаҳар худудини қандай модернизациялашимиз мумкинлиги тадқиқотнинг янада чуқур ўрганилишини белгилаб беради.

Магистрлик диссертацияси ишининг мақсади. Эски Тошкент худудини ўрганган ҳолда, уни сақлаб қолиш ва замонавий талабларга жавоб берадиган тарзда қайта қуриш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат. Таклифлар ишлаб чиқилишида Тошкентнинг шимолий–ғарбий қисми таҳлил этилади. Ҳозирда у ердан ўтказилаётган янги кўча (Г-50)нинг аҳамиятига тўхталиб ўтилади.

Тадқиқотнинг вазифаларидан келиб чиқиб қуйидаги ишлар амалга оширилди:

- Эски шаҳардаги ҳозирги ҳолат ўрганилди ва таҳлил қилинди;
- Янги ўтказилаётган кўчаларнинг аҳамияти кўриб чиқилди;
- Турар-уйлар архитектурасининг ҳозирги ҳолати ўрганилди ва уларни замонавий тарзда қайта қуриш юзасидан таклифлар ишлаб чиқилди;
- Эски шаҳарни модернизациялаш бўйича ҳозиргача амалга оширилган ишлар кўриб чиқилди.

Тадқиқотнинг методологик ва назарий асоси сифатида Президент асарлари ва фармонлари, Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари, Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси қарор ва меъёрий ҳужжатлари, ТошбошпланЛИТИ ишлаб чиққан таклифлар, юртимиз

хамда хорижий олимларнинг илмий ишлари, шунингдек шаҳарсозликка оид бошқа адабиётлар ўрганилди.

Ҳимояга олиб чиқиладиган асосий ҳолатлар ва ишнинг янгилиги.

Ўзбекистон ҳудудидаги бир неча шаҳарлар узоқ йиллик тарихга эга. Самарқанд, Хива, Бухоро, Термиз, Шаҳрисабз, Тошкент ва бошқалар шулар жумласидандир. Эски шаҳарларни ўз ҳолича сақлаб қолиш эса бугуннинг долзарб масалаларидан бири бўлиб турибди. Эски шаҳарнинг шимолий-ғарбий қисмида тарихий маҳаллаларнинг анчагина қисми сақланиб қолган бўлиб, бу ҳудудни ободонлаштириш ва модернизациялаш бўйича тавсиялар бериш ишнинг илмий янгилигини белгилаб беради.

Тадқиқотда умумлаштирилган назарий хулосалар ва тавсиялар эски шаҳар ҳудудидаги ёдгорликларни таъмирлаш, мослаштириш, қайта тиклаш билан боғлиқ бўлган муаммоларни чуқур ўрганишга асосланган бўлиб, улардан келажакда амалга ошириладиган амалий ва илмий тадқиқот ишларида фойдаланиш мумкин.

I-бўлим. ЭСКИ ТОШКЕНТНИНГ МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИ ШАҲАР ҚУРИЛИШИ ТУЗИЛМАСИДАГИ АҲАМИЯТИ

1.1. Эски шаҳар таркибидаги архитектуравий ёдгорликлар, маҳаллалар ва маҳалла марказлари

Тошкент шаҳри кўп асрлар давомида жамият тарихида муҳим рол ўйнаган ва Ўрта Осиё ҳудудида юзага келган давлатларининг пойтахти бўлган. У Ўрта Осиёнинг қадимий ва энг йирик шаҳарларидан бири. Кўп асрлик ривожланиш натижасида, Тошкент аҳлининг кўп асрлик ишлари натижасида ҳудуд шаҳар ҳаёти учун мослаштирилган. Инсон ҳаёти учун ноқулай бўлган шароитларни ўзгартириб, Тошкентликларнинг кўп авлодлари ўз хўжалик фаолияти жараёнида аجدодлари томонидан танланган жойларни ободонлаштирдилар ва иморатлар қурдилар; асрлар кетидан асрлар, авлодлар кетидан авлодлар шаҳар қурилишига ўз ҳиссаларини қўшиб, уни ўз тарихининг янги, революциядан кейинги даврига қандай кўринишда ўтган бўлса, шундай кўринишга келтирдилар.

Тошкент воҳаси – Тянь-Шаннинг ғарбий ёнбағирларидан бошланиб Сирдарё этакларига тушадиган кенг тоғолди текислигининг бир қисмида жойлашган. Шарқда у учта –Угом, Писком ва Чотқол тоғ тизмалари билан ўралган бўлиб, бу тизмаларни шу номлар билан аталувчи дарёлар оқиб ўтувчи даралар ажратиб туради. Бу дарёлар қўшилиб Чирчиқ дарёсини ҳосил қилади. Чирчиқ дарёси Чорвоқ ҳавзасининг тор дарасидан ўтиб, Ғазалкентдан қуйироққа тушганда кенглиги бази жойларда 20 кмдан ошадиган қадимий текислик бўйлаб оқади. Жанубий қисмида эса водийга кириб борувчи Оҳангарон дарёси ясталанган. Ушбу текислик шимолида жойлашган Арис дарёсининг водийси билан бу табиий сув тармоқлари Ўрта Осиё деҳқончилик воҳаларининг чекка минтақасини ташкил этади. Тошкент воҳасида барча тарихий даврларда сув мўл-кўл бўлган. Буни ўрта асрлардан то XIX асргача Тошкент тўғрисида ёзган муаллифлар ҳамиша таъкидлаб

келишган. Бу ерларда бир неча юз минг йил аввал овчилик ва темирчилик билан кун кечирувчи ибтидоий жамоалар ғорлар ва тоғ бағри бостирмаларини яратганлар.

Тошкентдаги шаҳар маданиятининг илк босқичлари. Сирдарё этакларидаги воҳалардан келган одамлар Тошкентнинг қадимги заминидagi шаҳарларнинг ҳақиқий бунёдкорлари бўлиб қолдилар. Улар ўзлари билан бирга хом ғишт ва пахсадан бино қуриш технологиясини олиб келдилар. Бу ерда гап Сирдарё этакларида яшаган қабилалар бирлашмасининг ўтроқ ва ярим ўтроқ ҳаёт кечирган қисми ҳақида бормоқда. Улар қадимий Хоразм ва Ўрта Осиё жанубий вилоятларидан шаҳарсозлик маданиятлари таъсирида ўзларининг шаҳар маданиятини яратдилар. Бу Чирикработ деб аталувчи маданият Сирдарёнинг жанубий тармоғи ирмоқларидан дарёнинг Оролга қуйиладиган ҳудудигача шаклланган. У милоддан аввалги V асрнинг охири - II асрга оид деб аниқланган. Тадқиқотчилар бу ирмоқлар милоддан аввалги III аср давомидаёқ қуриб қолганини қайд этганлар, бу ҳол аҳолининг яшаш, одатий ҳўжалик юритиш ва шаҳар қуриш учун бир мунча қулай жойларни излаб, ҳудудни тарк этишига сабаб бўлган. Бир-бирини кесувчи “ҳочсимон” усулида қурилиб, доирага олинган ибодатхона-ёдгорлик бинолари ана шу маданиятнинг эркин белгиларидан бири ҳисобланади. Бу қуёш рамзи ҳисобланиб, Чирикработ маданияти эгаларининг қуёшга сиғиниши ва оташпарастлигини кўрсатади. Ёзма манбаларнинг далолат беришича, Сирдарё ўнг қирғоғида яшовчи ўтроқ ва ярим ўтроқ халқлар қуёшга сиғинганлар ва унга отларни қурбонлик қилганлар. Буни милоддан аввалги V асрда Геродот ҳам қайд этган. Унинг сўзларига кўра қурбонликнинг моҳияти, ҳудодларнинг энг учқурига, ҳайвонларнинг энг учқури инъом этилган. Массagetлар маликаси Тўмарис ҳам босқинчи-ахамонийлар подшоси Кирдан касос олиш учун қуёшга топинган эди.

Милоддан аввалги II асрга оид оригинал ҳочсимон режада қурилган бино айланма девор билан ўралган ва кўчманчилар қабристони устига бунёд

этилган. Бино келгиндиларнинг яхлит манзилгоҳи тизимига кирган, бир вақтлар 20-25 гектар майдонни эгаллаган (ҳозир замонавий шаҳар қурилишлари ичида қолиб кетган). Бино атрофидаги айланма девор квадрат ёки тўртбурчак шаклидаги миноралар билан ҳимояланган. Иншоот учта бино ва учта айланма йўлакни ўз ичига олган. “Ҳоч”нинг ҳар қайси қанотида ҳам бинолар бўлган. Доира ичидаги айрим деворларга найзасимон туйнуқлар қилинган.

Ана шу бинода қазилш ишлари олиб борилаётганда археологлар ҳам ёшт деворлар, йўлак равоқлари ва гумбазли хоналарни аниқладилар. Уларнинг баъзи деворлари қизил рангга бўялгани кўзга ташланди. Бинонинг ғайриодатий тарҳи унинг махсус мақсадга мўлжалланганлиги - оловга сиғинувчилар ибодатхонаси эканлигини англатади. Ибодатхона ҳоч ва доира - қуёшнинг энг қадимги рамзларини уйғунлаштириш тамойили бўйича қурилган [35].

Илк шаҳар. Тошкент воҳасидаги ўтроқ дехқончилик ва илк шаҳар маданияти қадимий бўлишига қарамай, шаҳарнинг ўз тарихини милoddан аввалги I аср охиридан - ёзма манбалар ва ҳозирги шаҳар ичидаги қадимги шаҳар харобаси (Мингўрик) сақланиб қолган вақтдан бошланганини кузатиш мумкин. Мингўрик Салор канали бўйида, ҳозирги Шимолий вокзал яқинида жойлашган бўлиб, унинг номи бу ерда XIX асрда мавжуд бўлган катта ўрикзордан олинган. Ўша давр хариталарига кўра, қадимги шаҳар ўрни тахминан 35 гектар жойни эгаллаган. Қадимги шаҳар ҳудудида аста-секин ҳозирги Тошкент аҳолиси уйлари қурила бошланди. Ҳозирга келиб, 150x80 метрга яқин майдондаги “қаср” деб аталувчи тепаликнинг бир қисмигина сақланиб қолган. Қадимги шаҳар ўрнини археологлар ўнлаб йиллар мобайнида чуқур ўргандилар, натижада унинг тарихий топографияси, истеъмолчиларни қисман қайта тиклаш ва бизнинг давримиз чегарасидан туриб шаҳар тарихини аниқлаш имкони туғилади.

Мингўрикдаги шаҳар мустаҳкам қўрғон, баланд “қаср” ва қалъа девори билан ўралган шаҳар ҳудудидан ташкил топган. Бу Тошкентнинг

кадимийлиги рамзини кўрсатувчи ўзига хос ёдгорликдир. Шаҳар гўё қурилиш эстафетасини Шоштепадан қабул қилиб олгандай, у ерда топилган дастлабки шаҳарлашган манзилгоқнинг давомчисига айланди.

“Қаср”нинг этак томонида олиб борилган энг янги археология тадқиқотлар натижасида ўзига хос меъморий-қурилиш мажмуаси аниқланди. Мажмуа тахминан 15х14 метр тўғри тўртбурчак шаклида бўлиб, унинг ҳар қайси томонидан 5 метр бўлган ярим доира миноралар (иншоотнинг тахминий умумий ҳажми 27х25 метр) бор. Бино шарққа - кун чиқар томонга қараган. Ўртадаги квадрат 6-7 метргача бўлган баландликда сақланган. Унинг ичида учта йўлаксимон бино тозалаб қўйилган. Йўлаklar ўзаро ҳамда минора ичидаги хоналар билан равоқ йўллари орқали боғланган. Икки хил: 40х40х10, 50х25х9 см ўлчамдаги хом ғишдан тикланган бинолар гумбаз билан ёпилиб, айримлари икки қаватли бўлган. Бутун ансамбл айланасига ташқи девор билан ўралган.

Дастлаб, “тўрт парракли хоч” бунёд бўлаётганда ўртадаги квадрат қисми минораларга қараб кўтариб қўйилган. Гумбазлар остидаги юзада кул қатламлари билан қопланган текис айвон бўлган. Иккита бинода қалин чиринди қатлами топилди, чамаси, бу ерда ёқиладиган ўтин захираси сақланган. “Хоч”нинг шимол томонида бир неча метр келадиган узоқ вақт мобайнида тўпланиб қолган кулхоналар аниқланди. Ёдгорлик ҳаётининг кейинги боскичларида бино тоза лой билан мустаҳкамланган. Натижада пойдеворнинг юқори қисмида баландлик ҳосил бўлган. Бинонинг шарқий қисмидаги айрим деворлар кесилиб, улардан тепа томга олиб чиқадиган зинали пандусга ўхшаш қия йўлак қурилган. Пандус кўтарилган тепадаги майдончадан зина туширилган бўлиб, у ҳозирги текширувларга кўра 6 метргача чуқурликдаги қудуққа олиб борган. Пандус катта тошлар ётқизиблиб устига тахта ташланган йўлак бўлганга ўхшайди, унинг чириб жигарранг бўлиб қолган қатлами сақланган. Мажмуа узоқ вақт мобайнида ўз вазифасини сақлаган ҳолда баландлашган ва кенгайган. Юқори майдончага ҳам йирик тошлар тошланиб, бу ер очик меҳроб бўлган. Қурбонлик олови

ёқилиши натижасида бир оз кул қатлами тўпланган. Суяклар ва ибодатда ишлатилган кичик сопол парчалари бинонинг ғарбий ва шимолий миноралари ўртасига ташлаб юборилган.

Аниқланган далиллар бинонинг диний маросимга мўлжалланганлигини кўрсатиб, унинг тепасида олов ёқилганлигидан ишора беради. Мажмуа бунёд этилишидан қолган қурилиш қолдиқлари, бино бажарган вазифани белгилаш ва таҳлил қилиш, бу иншоот милоднинг I асрларида диний эътиқод объекти сифатида олов ва қуёшга сиғинган аҳоли томонидан тикланганлигини ва милодий IV асргача мавжуд бўлганлигини аниқлаш имконини беради. Минтақада бир қанча иншоотлар мавжуд бўлган. Чунончи, Талас дарёси ёқасидаги Чўлтепа ва Қизил қайнартепа шаҳар харобаларида ярим миноралари бор “парракли” “хоч”ларга ўхшаш бинолар аниқланган. Улар милодий I-IV асрларга оид деб белгиланган. Бухоро вилоятининг шимолида шу хилдаги ёдгорлик Сеталактепа-1 ёдгорлигида топилди. Уларнинг қурилишида ҳам, вазифасида ҳам ўхшаш белгилар учрайди. Сеталактепадаги олов ёқиш билан боғлиқ одат айниқса, яққол акс этган. Бу бино милодий III - V асрларга оид деб белгиланган [35].

Бинкат-Тошкент-Шошнинг ўрта асрдаги пойтахти. Култепадан 8 км шимоли-ғарбда, бир вақтларда Шошнинг илк ўрта асрдаги шаҳар даҳасига кирган янги ерда пойтахт қайтадан барпо этилди. Унинг харобалари Тошкентда XIX аср давомида олиб борилган қурилишлар натижасида кўмилиб кетди.

XI асрда Шош узил кесил Араб халифалиги таркибига кирди. Хукумат фармойишига кўра, янги шаҳарни суғориш эҳтиёжлари учун 2 миллион дирҳам ажратилди. Халифа Муътасим (833-842 йиллар) ушбу маблағни ажратар экан, Шошдан канал қазилни буюрди. Археологик маълумотларга кўра, ушбу тадбир, афтидан, Бўзсув - Кайковус (Калковуз) сув тизимини такомиллаштириш билан боғлиқ эди. Шубҳасиз катта миқёсдаги суғориш ишлари сомонийлар даврида пойтахтнинг янги жойда равнақ топиши учун шарт-шароит яратди [35].

Тошкент шахри темурийлар даврида. Мўғуллар истилоси даврида Тошкент шахрида кўрғон деворлар бузилиб, йўқолиб кетган. У бошқа шаҳарлар каби ўлчам жиҳатидан ҳам кичиклаша борган. Темурийлар даврига келиб шаҳарлар тикланиб, савдо-сотиқ ривожланган. Тошкент шахри темурийлар даврида янги кўрғон деворлар билан ўралиб, шаҳарга 12 та дарвозалар ва бирқанча қопқалар орқали кирилган. Бу даврларда шаҳар ичкараси ва ташқарисида монументал иншоотлар курилади, архитектуравий мажмуалар пайдо бўлади. Шаҳар одатдагидай уч қисмдан: Арк, Ҳисор ва Рабоддан иборат бўлган. Тошкент шахрининг структуравий тузилиши радиал йўналишдаги кўчалар орқали белгиланган. Шаҳар марказида Арк ва Регистон мавжуд бўлган. Шаҳар кўрғон девори, дарвозалари ва қопқалари сақланиб қолмаган.

Шаҳар ичида ва атрофида монументал иншоотлар курилади, архитектуравий мажмуалар пайдо бўлади. Улардан Занги ота ва Анбар биби мақбаралари, Кўкча мавзесидаги Зайнуддин бува мақбараси, Чорсудаги ҳозирда сақланмаган Хўжа Аҳрор мадрасаси ва Жоме масжиди, ҳозирги Махсидўзлик кўчасидаги Пушти ҳаммом, Шайхонтахурдаги Шайх Хованд Тоҳур мақбараси, Юнусхон хонақоҳи шулар жумласидандир. XV–XVI асрлардаги бинолар негизида шаҳарнинг функционал ва композицион – бадий яхлитлигини таъминловчи Ҳазрати Имом, Чорсу, Шайхонтахур, Зайнуддин бува, Занги ота мажмуалари барпо бўлди.

Тошкент шахрини бирқанча қалъасифат мажмуалар ҳимоя қилиб турган. Бу мажмуа **“чақар”** деб аталган. Бу ном билан аталувчи жойлар бошқа шаҳарлар, жумладан, Самарқанд, Қарши каби шаҳарларда ҳам учрайди. Бу термин асосан XIV-XV асрларда кенг тарқалган. Чақарлар шаҳарларга киришда муҳим ўрин тутган. Тошкентда чақарлар бир нечта бўлган.

Тошкент дарвозалари: ***Қиёт, Турк, Ўзбек, Тахтаули, Қаросарой, Чигатой, Суғбониён, Кўкча, Камондарон, Қангли, Бешоғоч*** ва ***Қатаган*** каби номларга эътибор берсак, кўпроқ уларнинг уруғ-қабил асослари билан атилишини кўришимиз мумкин. Шаҳар мудофаа деворининг ички қисми,

яъни шаҳар ҳудуди бир неча маҳаллаларни ўз ичига олган тўрт даҳадан иборат бўлган: *Себзор, Кўча, Шайхонтаҳур* ва *Беиёзоч*. Даҳалар улар бўйлаб кетган кичик кўчалар орқали ажралиб турган. Ҳар бир даҳа бир неча маҳалла ва мавзеларни ўз ичига олган. Шаҳарнинг топографик тузилишида кўчалар ҳам муҳим аҳамият касб этган.

Муҳаммад Солиххўжа ўзининг “Тарихи жадидаи Тошканд” асарида *“кўча”* ва *“роҳ”* сўзларини тилга олади. Шаҳар ичи бўйлаб кетган одатий кўчалар асосийларга ва уларнинг тармоқларига бўлинган. Шаҳардаги асосий кўча – бу Чорсу бозорида туташувчи тўрт кўча бўлиб, улар тўрт даҳа бўйлаб тарқалган. “Роҳ” (йўл) термини шаҳардан ташқарига олиб чиқувчи йўл маъносида ишлатилган. Улар шаҳар дарвозаси орқали шаҳарга кириш ва чиқиш кўчаси бўлгани учун ҳам оддий кўчага қараганда анча кенг ва серкатнов бўлиб, одатда хонлар, амалдорлар, элчилар ҳамда савдо карвонлари шу кўчалардан юрган. Шаҳарда савдо карвонлари учун мўлжалланган йирик карвонсаройлар қурилган. Улар асосан Регистонда ва Чорсу бозори атрофида жойлаштирилган. Карвонсаройлар мадраса ва масжидлар вақфи бўлган. Шунингдек, шаҳар марказида ҳаммомлар ҳам қурилган [35].

Суронли ўзгаришлар. XIX аср манбаларида ҳар бир маҳаллада 50 тадан 150 тагача оила яшаганлиги маълум қилинади. Маҳаллаларнинг номлари уларнинг аҳолиси шуғулланган касб-ҳунарига мувофиқ келган (масалан, Пичокчилик, Дегрез, Этикдўз) ёки этник таркибига монанд бўлган (Ўзбекмаҳалла, Тожиккўча). Айрим жойлар рельефи ва табиий хусусиятларига қараб номланган (Сассикҳовуз, Чуқуркўприк, Баландмасжид ва бошқалар).

Тошкентда бозорлар ҳам кўп бўлган, улар шаҳарнинг энг гавжум жойлари бўлган. Бозорларнинг энг йириклари Эски Жўва, Чорсу, Регистон ва Каппон бозорлари эди. Эски шаҳар марказида жойлашган Регистон бозори шаҳарнинг барча дарвозалари билан кўчалар орқали боғланган. XIX асрда Тошкентни ўрганган Н.Г.Малицкийнинг фикрига кўра, бундай

режалаштириш аввал бошдан ички ва ташки савдонинг ривожланишига мувофиқ келган. XIX аср ўрталарида Тошкентда 18 та карвонсарой ва 4500 дан ортиқ дўкон бор эди.

Бу даврда айниқса, Россиянинг Оренбург, Троицк, Сумипалатинск ва Петропавловск билан бўладиган савдо ривожланди. У ёқдан Тошкентга металл, мовут, шакар каби моллар ортиган карвонлар келарди.

Янгиланган пойтахт. 1991 йилдан Ўзбекистон ва унинг пойтахти - Тошкент тарихида янги давр бошланди. Мустақилликнинг 18 йили мобайнида бутун мамлакатнинг ҳам, унинг пойтахтининг ҳам қиёфаси таниб бўлмас даражада ўзгарди.

Ўзбекистон мустақилликни қўлга киритиши билан жахон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллаб, 1992 йил Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ)нинг аъзоси бўлди. Бугунги кунда Ўзбекистон 165 давлат томонидан тан олинди, 118 мамлакат билан дипломатик муносабатлар ўрнатилди.

Республика нуфузли халқаро ташкилотлар: Шанхай Ҳамкорлик ташкилоти (ШХТ), Коллектив Хавфсизлик Шартномаси ташкилоти (КХШТ), Ислон Конференцияси ташкилоти ва бошқа кўплаб нуфузли иқтисодий ва молия институтларининг тенг ҳуқуқли аъзосидир. Суверен Ўзбекистон БМТ билан ҳамкорлик қилиб, фаол халқаро сиёсат юритмоқда. Марказий Осиёда ядро қуролидан ҳоли зона тузишга куч-ғайрат сарфламоқда.

Тошкентнинг меъморий қиёфаси ўзининг 2200 йиллик тўйи арафасида тарихий жозибасини сақлаш билан бирга, айти чўғда янгиланиб, инсонпарварлик ҳамда бадийлик мазмуни билан бойитилди.

Замонавий шаҳар планировкаси ҳақидаги масала. XIX аср охири XX аср бошларида шаҳарни қисмларга бўлинишининг асосий, ягона шакли, бу кварталларга бўлиниши бўлган. Аммо анча йирик қисмларга бўлиниш каби қадимги бўлинишнинг асоратлари ҳам сақланган.

Тошкент анча илгариёқ қадимги бўлиниш аниқлигини топган. Шаҳар маъмурий тузилишида (у ерда ҳар бир қисм алоҳида бошқарувчи- мингбоши билан бошқарилган ва ўз хазинасига эга бўлган) хос ўша аниқлик билан

намоён бўлган . Аммо алоҳида эскича турмуш тарзи кўринишлари таҳлили ҳам қадим ўтмишга бориб тақалувчи икки, тўрт қисмга бўлиниш анъанаси бўлганлигини тасдиқлайди.

Аммо Тошкентда, асрлар оша бир жойнинг ўзида ривожланувчи бу қадим бўлиниш анча кечки феодал шаҳар ривожига билан боғлиқ, уни ўраб турган рабодлар ўсиши жараёнида беркилиб турган. Рабодлар шаҳар маркази атрофида марказлашган доира шаклида жойлашгани сабабли, бўлинишнинг бу турини доиравий, деб белгилаш мумкин. Доиравий бўлиниш, масалан, фақат XIV асрдагина феодал шаҳри сифатида пайдо бўлган Қарши шаҳрига хос бўлган. Бундай бўлиниш Тошкент учун ҳам характерли. Анча илгариги даврларда - XII асрда турли вақтларда пайдо бўлган шаҳар қисмлари деворларнинг икки қатори билан ўралган ҳолда ифодаланган. XVI асрдан бошлаб, охириги шаҳар девори қурилишидан сўнг, шаҳарнинг бу тузилиши эски девор билан ўралган ҳудудларнинг (ҳисори қадим), ва янги девор билан ўралган, эски девор ташқарисида ётган ҳудуднинг (беруни ҳисори қадим) ажратилишида ўзининг ёрқин ифодасини топган. Шаҳарнинг бундай бўлинганлиги ҳақидаги хотира замонавий тошкентликларда шаҳар марказий қисми “эски шаҳар” бўлган деган тасаввурда сақланган.

Тарихий маълумотларга кўра, 18 асрнинг 1-ярмида Тошкент ички ҳамда ташқи қисмлардан иборат бўлиб, улар кўрғон деворлар билан ўралган эди. Қирққа яқин жума ва жуда кўп маҳалла масжидлари бўлган. Ҳоким қароргоҳи ўша вақтда Кўкча даҳасида жойлашган эди. Чорсу бозорида шаҳар омбори (жўвахона) қурилган (Нурмуҳаммад маълумоти). Регистон майдонида четларига харсанг тош ётқизилган, томонлари 20 метр ҳовуз қайд этилиб, унинг чеккаларида катта–катта дарахтлар ўсган (Миллер маълумоти). Чор ҳокимликдан сўнг, 80–йилларда нураб қолган кўрғон девор қайта тикланган. Ҳоким Юнусхўжа қароргоҳи Қоратошда бўлган (Эски Ўрда).

XIX асрнинг 2-ярмида Тошкент ҳар тарафга, айниқса шарққа кенгайган. Аҳоли ўрнашган бу жойлар кўпинчалик «Янги маҳалла» ёки «Янги шаҳар» деб аталиб келинади. XIX асрнинг биринчи ўн йиллигида Анҳор ариғининг

чап тарафида бошқа, янги Ўрда қурилди. Ўрданинг жануби – ғарбий бурчаги туртиб чиққан тўғри тўртбурчак шаклида (шарқий девори - 540 м, жанубийси – 490 м) бўлган. Ўрданинг ичида бекларбеги саройи, сарбозлар майдони, бошқа бинолар жойлашган. Ўрда Гадрган ариғидан сув ичган, унда талайгина ҳовузлар бўлган.

Аниқланишича, XIX аср ўртасида Тошкент қўрғон деворининг баландлиги 8 метрга етган; тепасида икки отлик бемалол ёнма-ён юра олган; “бару” ва “бурж” каби муҳофаза элементлари бўлган. Қўрғон девор шимолдан Калковуз ариғининг қирғоғидан, жануби–шарқда Буржар ариғининг юқори бўйлаб, жанубда Зах ариғининг шимолидан ўтган; қуйи Бўзсувнинг бошланиш жойини кесиб, жануб – шимол йўналишида ҳар тарафга кетган. Қўрғон девор бўйлаб шаҳар ташқаридан сув билан тўлдирилган ҳандақ бўлган эди. Девор сақланмаган.

Ташқи ерлар билан боғланиш учун қўрғон деворда катта (дарвоза) ва кичикроқ (қопқа) эшиклар бўлган Тошкентнинг ўн икки дарвозалари: Кўкча, Чиғатой, Сағбон, Қорасарой, Тахтапул, Лабзак, Қашқар, Қўқон, Қўймас, Бешёғоч, Камолон, Самарқанд дарвозалари бўлган. Қопқалар сони аниқ эмас. Бироқ, бурун Тошкент (оғзаки ва ёзма манбъларга кўра) “32 қопқали” деб ҳисобланган. Баъзиларининг номлари аниқланган: Тешик қопқа, Сарбоз, Шердор, Янги маҳалла, Хиёбон қопқалар.

Шаҳарда кўчалар кўпроқ қинғир – қийшиқ, тор бўлган. Муқим кўчалар нисбатан тўғри бўлиб, дарвозаларни шаҳарнинг асосий маркази – Чорсу бозори билан боғлаган. Булар ҳозирги Уйғур, Форобий, Сағбон, Қорасарой, Самарқанд дарвоза кўчаларидир. Чорсуни Ўрда билан, нарироқда қашғар дарвозаси билан ҳам бирлаштирувчи кўча алоҳида аҳамиятли бўлиб Каттакўча, кейинчалик Тошкўча деб аталган. Асосий кўчалар шаҳар ташқарисида ҳам бошқа шаҳар ва қишлоқларга олиб борувчи йўл сифатида давом этган.

Тошкентда 18–19 асрда қурилган ёдгорликлар қаторига Чилонзордаги Хайробод масжиди ва мақбараси, Бешёғоч кўчасидаги Баланд масжиди ва

мадрасаси, Халқлар дўстлиги саройи олдидаги Абдул Қосим мадрасаси, Ҳазрати имом мажмуасидаги Мўйи муборак мадрасаси, Тилла шайх (Чақар) масжиди ҳамда шаҳарнинг турли ерларида жойлашган Яланғар, Оҳангузар, Каллахона маҳаллаларининг йирик масжидлари киради.

Хўжа Баҳриддин Доно мақбараси – кичик мақбара намунасидир [35].

Жамоат бинолари. 1865 йилда Т о ш к е н т Россия томонидан босиб олинганидан сўнг чор қўмондонлиги Ўрдада жойлашган. Кейинчалик Қўймас дарвозасидан шарқда янги қалъа – Т у п р о қ қ ў р ғ о н қурилган. У ғарб фортификацияси қоидаларига мувофиқ қурилган бўлиб нотўғри шаклли тарҳга эга бўлган. Ичида казармалар, офицерлар уйлари, касалхона ва бошқа бинолар қурилган эди. Иншоотлар Тупроқ қўрғон ичига сиғмай қолганда баъзи бинолар унинг ташқарисида ҳам пайдо бўлди. Қалъанинг шарқий дарвозаси сақланган.

1866–1867 йилларда ҳарбий топограф М.Н. Кодесников Ўрда ва Тупроқ қўрғон билан Шивли ариғигача бўлган ерларни Янги шаҳар эҳтиёжлари учун режалаштирди. Лойиҳа бўйича кенг (25 м) кўчалар ўтказиш мўлжалланган эди. Қадимги М и н г Ў р и к б о ғ и ни ҳамда Шивли ариғининг бўйларидаги боғларни сақлаб қолиш кўзда тутилган эди.

Туркистон шаҳарсозлик тарихини ўрганишда чор маъмуриятининг 1889 йилнинг “Тошкент шаҳри Осиё қисмининг тарҳи” харитаси муҳим манбадир. У 5–чизмачилик бўлимнинг бошлиғи Родионов таҳрири остида Тошкент ҳарбий – типографик тошбосма бўлимида чоп этилган. Харитада ҳозирги Эски шаҳарнинг деярли ҳаммаси кўрсатилган. Ўрда ва унинг тевараги бундан мустасно, чунки у ерлар Янги шаҳарга қўшиб юборилган. Харита 100 сажен “1 инглиз дюйми” миқёси (масштаби) бўйича бажарилган. Ушбу харитани ўрганиш Тошкент шаҳарсозлигига доир баъзи қимматли маълумотларни беради. Харитада 268 масжид ва 96 гузар кўрсатилган. Улардан 200 масжид ва 41 гузар якка ҳолда келтирилган. Қолганлари бошқа қурилма ёки шаҳарсозлик унсури билан турли бирикмаларда келтирилган. Харитада гузарлар 2 – 3 маҳалла маркази тариқасида берилган. Гузарларнинг

таркибида дўконлар бўлиб, уларнинг сони аксари 10–20 атрофида. Меъморий бирикмалар ичида масжид – гузар (энг кўп, қирққа яқин), масжид – мадраса, масжид – мадраса – гузар бирикмалар қайд этилган. Уларнинг таркибида мазор ёки яқка бўлган бирикмалар ҳам мавжуд.

Тошкент Туркистоннинг маъмурий, савдо ва саноат марказига айланди. У аср бошига келиб қарийб 300 минг аҳолига эга бўлди. Ўша вақтда шаҳарда 280 дан ортиқ маҳалла бўлган. Шаҳар қадимги ва янги қисмлардан ташкил топган эди. 1890 йил маълумотига кўра, шаҳардаги кўчаларнинг умумий узунлиги 1343 километрга етган.

Мустақиллик йилларида Тошкент ва пойтахт вилоятининг сақланиб қолган ёдгорликлари ҳам таъмирланди ва янгиланди [31].

Чорсу майдонидаги ҳозирда мавжуд Кўкалдош мадрасаси (XVI асрга тегишли) Ўрта Осиёдаги йирик олий ўқув юртларидан бири эди. Ҳозир ҳам Ўзбекистон мусулмонлари бошқармаси қошидаги ўрта махсус Ислом ўқув юрти сифатида амал қилмоқда. Майдондан унинг кошинлар билан ҳашамдор қилиб безатилган олд тарз пештоқи мана мен деб турибди. Олд фасад анъанавий тузилишига эга – икки қатор токчалар жойлашган пештоқ ва бурчакларида гулдаста минорачалари. Пештоқ ортида жамоат ва хизматчи хужралар жойлашган, улар сафининг охири масжид ва катта танобий уйга бориб тақалади. Унинг кошиндор безаклари тўла тикланди, анъанавий ранг – мовий рангда.

Кўкалдош мадрасасининг ҳовли қисмидаги XV аср олими, давлат арбоби Хўжа Аҳрори Валий масжиди ҳам қайта тикланди. Катталиги бўйича бу Ўзбекистон масжидлари ичида Самарқанддаги Биби Хоним ва Бухородаги Калон масжидларидан кейин учинчи ўринда туради. Масжиднинг меъморий-режавий ечими ўрта аср сарой масжиди хилига ўхшаб кетади: ўртада – гумбазли бино, куббадор арксимон айвон билан айлантирилган ҳовли сўнгида – мақсура жойлашган.

Шайхонтоҳур тарихий-меъморий мажмуа (XVIII-XIX асрлар)си Алишер Навоий ва Абдулла Қодирий кўчалари оралиғида, Ислом Университети

худудида жойлашган. Ҳозирда мажмуадан фақат уч меъморий ёдгорлик сақлаб қолинган: Шайхонтоҳур, Қалдирғочбий ва Юнусхон мақбаралари – улар Тошкентнинг энг қадимги ёдгорликлари саналади.

Ҳозирда мавжуд Илоҳиёт ва Тариқатнинг йирик вакили шайх Хованди Тоҳур – Шайхонтоҳур мақбарасини XVIII-XIX аср бошида қадимги мақбара пойдеворида Хўжа Аҳрор Валий қурдирган эди ва у икки хонадан иборат бўлган.

Тўртбурчак шаклдаги бинонинг унча катта бўлмаган пештоқидан аввал зиёратхонага, ундан гўрхонага кирилади. Мақбара деворлари одми, фақат деразаларга ва пештоқ эшиги устидан кошиндор панжара ўрнатилган, мустақиллик йилларида улар янгиланди. Хоналар томи учли куббалар билан ёпилган.

Шайх Хованди Тоҳур мақбараси ёнида Темурий шаҳзода учун XV аср бошида тикланган Қалдирғочбий мақбараси жойлашган. Мақбара биноси куб шаклида, Ўрта Осиёнинг кўплаб ёдгорликларига хос бўлган кўшалок гумбаз билан ёпилган.

Заҳириддин Бобурнинг бобоси, Ҳаким Юнусхон мақбараси ўша вақтдаги Тошкентда Шайхонтоҳур мажмуидаги энг қизиқарли ёдгорлик саналади. У XV асрда Юнусхон ўлимидан кейин унинг ўғли Аҳмадхон Олачахон томонидан қурилган.

Композиция маркази баланд кўшалок гумбаз билан ёпилган марказий хона ҳисобланади, ички кубба бир-бири билан кесишган икки жуфт аркнинг нафис тузилмасини ташкил этади. Мовий кошин билан қопланган ташқи кубба XX асрнинг 70–80 йилларда қайта тикланган (қисман) ва асосан барча безак унсурлари, гумбазларнинг муқарнаслари, ёғоч ва ганч панжаралар билан биргаликда мустақиллик йилларида таъмирланган.

“Эски” Тошкентнинг Себзор қисмидаги ҳазрати Имом мажмуи меъморчилигининг сақланиб қолган ёдгорликлари орасида Қафғол Шоший мақбараси ва Бароқхон мадрасаси қизиқиш уйғотади.

Мўътабар руҳоний шахслардан бири, илоҳийшунос ва шоир ҳазрат Каффол Шоший мақбараси XVI асрда унча катта бўлмаган X аср қабристони ўрнида қад кўтарган.

Баланд пештоқли олд девор шимолга қараган. Ёдгорлик композицияси тобора кўтарилиб боровчи ҳажмда ҳал этилган – у кўтарма супадан бошланиб, режавий тузилмадаги кубсимон бино – қўшалоқ қубба билан ёпилган ва бурчакларида зиёратчилар учун уч қаватли хужралари бўлган марказий танобий билан ниҳоясига етади. Муҳташам равоқлар имом қабрини қуршаб олган.

Бароқхон (ҳақиқий исми Наврўз Аҳмадхон) мадрасаси – Тошкентдаги XVI асрга оид меъморлик ёдгорликлари ичида энг салобатлиларидан бири. Тошкентдаги Шайбонийлар ўзбек сулоласининг биринчи ҳукмдори Суюнчхон мақбарасининг улуғвор биноси мажмуа асоси бўлиб хизмат қилган ва унга туташтириб қурилган Бароқхон мадрасаси ҳовлиси композициясида марказий ўринни эгаллаган. Унинг қўшалоқ гумбази бири билан кесишган аркларни ушлаб туради. Кошин билан безатилган муҳташам пештоқдан ҳовлига чиқилади. Пештоқ токчасидаги ноёб тўрсимон гумбаз халқ меъмори Уста Ширин Муродов томонидан қайта тикланган, мустақиллик йилларида эса тўла таъмирдан чиқарилган.

Мустақиллик йилларида Тошкент яқинидаги Зангиота меъморий мажмуаси, Шайх Зайниддин бува мақбараси, Тилло Шайх масжиди ва Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти меъморчилигининг бошқа кўплаб ёдгорликлари қайта тикланди, таъмир қилинди.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, шаҳарсозлик ва меъморий анъаналарни ҳисобга олиб, нодир меъморий ёдгорликларини таъмир қилиш муаммоси – мураккаб ва ғоят долзарб вазифа.

Мустақилликка эга бўлингач, республикада маданий мерос ёдгорликларини муҳофаза қилиш, таъмирлаш ва улардан фойдаланиш масалаларига ва уларнинг иқтисодий жиҳатдан даромадли соҳалардан бири

сифатида ватан ва халқаро сайёҳликни ривожлантиришдаги ролига жиддий эътибор кўрсатилмоқда. Қатор муҳим ҳукумат ҳужжатлари қабул қилинди.

Қисқа вақт ичида бутун республика бўйлаб катта бунёдкорлик ишлари қилинди. Айниқса Ўзбекистоннинг кўплаб тарихий шаҳарлари юбилей тантаналари ўтказилиши муносабати билан юзлаб меъморий ёдгорликлар янгидан ҳаётга қайтарилди.

Бироқ шуни ҳам айтиб ўтиш жоизки, таъмирдан чиққан ва қайта қурилган ёдгорликларда қуйидаги ҳоллар кўзга ташланади:

- таъмир ва қайта тиклаш лойиҳаларининг синчиклаб ишлаб чиқилган асоси йўқ;
- хусусан, муҳандислик ва коммуникацион тармоқлар ўтказиш чоғида қуриш-созлов ишлари сифати паст;
- таъмирда цемент, бетон, темир-бетон ва бошқа замонавий ашёлар ўрнида ишлатилмаган;
- ёдгорликлардан янги вазифаларда фойдаланиш сифати паст ва бошқалар.

Э с к и ш а ҳ а р бинолари меъморлигида, жумладан масжид ва мадрасалар қурилишида усталар томонидан қадимий, япалоқ ғишт билан баробар замонавий ўлчамларга яқин ўлчамлардаги соллоти ғишт, гумбаз ва томлар учун тунука, зиналар учун темир ҳам қўлланилди.

Эски шаҳарда кўпгина янги бинолар пайдо бўлди. Шайхонтаҳур мажмуасининг дарвозаси (1892 йил, уста Абдурахим), Тўхта бойвачча масжиди (1906 йил), Шайхонтаҳур даҳасининг Баланд масжиди (1925 йил, уста Мўмин) каби бинолар бунга мисол бўла олади. Айни вақтда Янги шаҳарнинг айрим биноларида, масалан “Хива” кинотеатрида (1910 – 1916 йиллар, арх. Г.Сваричевский, иморат сақланмаган) маҳаллий меъморий шакллардан фойдаланилди. 19 аср охири – XX аср бошида Тошкентда бир неча европача иморатлар: савдо биноси (1911 йил, 4 – поликлиника), Эски шаҳардаги 1 – телеграф (сақланмаган, аввалги касб – ҳунар билим юрти, кейин ўқитувчиларининг малакасини ошириш курслари, Жангоб ариғи

бўйида бўлган), Махсидўзлик кўчасидаги Турон меҳмонхонаси – ҳозирги омонат кассаси ва вилоят кутубхонаси бинолари қурилди.

Я н г и ш а ҳ а р эскиси каби асосан бир қават ва хом ғиштдан қурилган эди. Лекин марказий кўчаларнинг баъзилари тош билан фарқ қилинди. Бундай кўчаларнинг ёнларида ғиштин магазин, банк, меҳмонхона, ресторан, хашаматли турар уйлар ҳам қурилди. Масалан, Андижон кўчасида архитектор Г.Сваричевский лойиҳалаган сарой қурилди. 80 – йиллар бошида Янги шаҳар жануб томонга қараб кенгайиб Шаҳар боғи (1882 й.) барпо этилди [31].

Масжидлар ва мадрасалар. Тошкентда 18–19 асрда қурилган ёдгорликлар қаторига Чилонзордаги Хайробод масжиди ва мақбараси, Бешёғоч кўчасидаги Баланд масжиди ва мадрасаси, Халқлар дўстлиги саройи олдидаги Абул Қосим шайх мадрасаси, Ҳазрати имом мажмуасидаги Мўйи муборак мадрасаси, Тилла шайх (Чақар) масжиди ҳамда шаҳарнинг турли ерларида жойлашган Яланғар, Охунгузар, Каллахона маҳаллаларининг йирик масжидлари киради.

Зангиота мажмуаси – турли даврлардаги шаҳарсозлик санъати ва архитектурасини ўзида мужассам этган ёдгорлик ҳисобланади. Мажмуа қурилишининг бошланиши XIV–XV асрларга тегишлидир. У Тошкентдан узоқ бўлмаган ҳудудда, Самарқанд йўли ёқасида жойлашган.

XIV асрдан - XX асрнинг бошларигача тарихий тарзда вужудга келган ушбу маданий – меъморий ёдгорлик мажмуаси учта ҳудуддан: - кенг боғ, XIV – XIX асрларда қурилган монументал мажмуа, Зангиотанинг хотини Амбарбибининг қабри жойлашган мақбарадан ташкил топган. Мажмуанинг ҳовлиси тўғри бўлмаган тўртбурчак шаклида бўлиб, унинг периметри бўйлаб Зангиотанинг мақбараси, номозгоҳ масжиди ва тўртбурчакли ҳовлининг қолган учала томонида бир қаватли хужралар қатори жойлашган. Мажмуанинг ҳовлисига кириш мақбаранинг бош ўқидаги шимолий-ғарбий ва мадраса қатори ўртасида жойлашган шимолий-шарқий дарвозалар орқали амалга оширилади. Шимолий-шарқий томоннинг марказий қисмида ва

масжиднинг ғарбий бурчагида миноралар тикланган бўлиб, улар европадан келтирилган ғиштлардан нақшинкор шаклли тарзда териб чиқилган.

Зангиота мақбараси бўйлама ўқли кўп хужрали композицияги эга ва иккита қисмдан ташкил топган: зиёратхона ва гўрхона. Гўрхона анча кичикроқ ва у бевосита мақбарага туташган. Хоналарнинг ўлчамларидаги фарқни поғонали қисқариб борувчи корпусга эга бўлган мақбаранинг ташқи хажми орқали ҳам англаб олиш мумкин. Иккала хона ҳам равоқли парусларга таянган гумбазлар билан ёпилган. Бу хоналар учун характерли бўлган унсур - равоқли паруслар билан бирлаштирилган баланд тахмонлардир. Мақбаранинг пойдевори квадрат шаклидаги ғиштлардан лой қоришма билан тикланган. Мақбаранинг деворлари 25,0-26,0 мм х 5,5-6,5 мм ўлчамлардаги пишган ғиштлардан тикланган бўлиб, ғиштлар тоза соғтупроқли қоришмага ётқизилиб қаланган, девор сувоғи ганчдан иборат. Мақбара пештоқи деворлари 28 см ичкарига киритилиб тикланган, ундаги чоклар пештоқнинг мақбарага кейинроқ тақаб қурилганлиги тўғрисида гувоҳлик беради. Пештоқдаги тахмонларнинг ички юзаси унинг баландлигининг ярмигача чокли тарзда ғиштли мозаика билан кўк, мовий рангда ва терракотали плиткалар орқали пардозланган бўлиб, бу пардоз Амир Темур ва Мирзо Улуғбек даврига мансубдир. Деворнинг марказий қисми тўлиқ ўйма мозаика билан қопланган. Интерьер безагининг девор остидаги лавҳалари сақланиб қолинган. Қабрхонада бир метр баландликка эга бўлган мовий олти қиррали плиткалардан ишланган изора бўлган, унинг қолдиқлари ғарбий деворда сақланиб қолинган. Изоранинг юқори ва пастки қисми мозаикали ҳошиялар билан чегараланган.

Архитектуравий-археологик тадқиқотлар натижасида Зангиота мақбараси қурилиши иккита даврда бажарилганлиги аниқланган: XIV асрнинг охирида иккита хонадан иборат бўлган мақбара қурилган; XV асрнинг биринчи ярмида, яъни Мирзо Улуғбек даврида пештоқ қўшма тарзда қурилган. Шу билан биргаликда сақланиб қолинмаган ҳалимхона хужраларининг ён қирралари ҳам шу даврда қурилган. 1571 йилда Зангиота

мақбараси сезиларли даражада бузилган: пештоқнинг юқори қисми равоқ билан биргаликда кулаб тушган, ташқи гумбазлар ва ён хоналар ҳам бузилган. XVI аср охирлари ва XVII асрнинг бошларида мақбарани қайта тиклаш ишлари амалга оширилган. Шимолий-шарқий ён хоналар қайтадан қурилган, гумбаз ва пештоқ қайта тикланган. 1868 йилда содир бўлган зилзила оқибатида мақбара навбатдаги талофатни бошидан кечирган ва таъмирланган жойлар яна бузилган. 1870 йилда олиб борилган таъмирлаш орқали мақбара пештоқи ва гумбази яна қайтадан тикланган, Намозгоҳ масжидига ёғочдан ишланган айвон қўшма тарзда қурилган.

Мажмуанинг жанубий-ғарбий томонини Намозгоҳ масжиди эгаллаган бўлиб, ундан байрам – кунлари қилинадиган ибодатлар учун фойдаланишган. Масжиднинг кўндаланг ўқи унинг ҳажмий – режавий композициясининг симметрия ўқи ҳамдир. Мажмуанинг марказий қисми пештоқ ва ундан кейин жойлашган хоналарнинг баланд гардишга ўрнатилган гумбазидан иборат бўлиб, пештоқ ортидаги гумбаз масжиднинг бутун ҳажмидан баландроқ бўлган. Марказий қисмдан бошлаб мақбаранинг иккала томони бўйлаб 8 тадан тўрт жуфт квадрат шаклидаги хоналар жойлашган, бу хоналар гумбазлар билан ёпилган бўлиб, улар залворли устунларга таянган равоқлар ва паруслар системаси орқали ушлаб турилади.

Масжиднинг декоратив пардози тўғрисида сўзлаш ўринлидир. Архив материалларига асосланиб қўйидагилар аниқландики, мақбаранинг марказий гумбази ёзувли битиклар билан безатилган. Масжиддан фойдаланиш жараёнида унга анъанавий услуб ва материаллардан бажарилган айвон қурилган, галерея устига оғма том ёпма ўрнатилган. В.Булатов ва Л.Маньковскийларнинг фикрича Намозгоҳ масжиди 1870 йилда қурилган. Масжид битиклари ичида 1870 – 1871 йил саналари ҳам учрайди. 1959 йилда археолог К.Шахурин томонидан ўтказилган қовлаш ишлари натижаларига кўра масжиднинг барпо этилиши XIX асрга тўғри келади.

Бир қаватли мадраса ва кўп гумбазли масжид – намозгоҳ ҳовлини ўраб олган ва улар Зангиота мақбарасига уланиб кетган. Мадраса ўлчамлари катта

бўлган учта гумбазли хоналарни ўз ичига олган. Бу хоналардан бири дарсхона вазифасини бажарган. Иккитаси эса кириш жойлари бўлиб, дарвозахона вазифасини ўтаган. Бу икки дарвозахонадан биттаси шимолий-шарқий, иккинчиси эса ғарбий қисмда жойлашган.

Мавжуд бўлган маълумотлар ҳовлининг шарқий қисми анча кейинроқ кенгайтирилганлигидан гувоҳлик беради. Аввал ҳовли кичикроқ бўлган ва хужраларнинг шарқ томондаги қатори унинг ўртасига яқин жойдан ўтган. Буни шимолий томондаги мурабба-гумбазли дарсхона исботлайди, чунки бу дарсхона аввал бурчакда жойлашган бўлиб, қачонлардир эски ҳовлининг ярим саккиз қиррали тахмонини ёпиб турган ва бинони қайта қуришда иккига бўлинган [35].

Зангиота мақбараси олдидаги ҳовлининг периметри бўйлаб тикланган хужраларга эга бўлган мадраса ўз архитектураси ва конструкциясига кўра XVIII аср охири - XX асрнинг бошларига тегишлилиги аниқланган. Мадрасанинг қурилиши, таъмирланиши ва қайта қурилиши турли вақтларда бажарилганлиги ҳақида унинг эшикларидаги ёзувлар гувоҳлик беради: қабристонга олув борувчи пештоқ эшигида 1286 ҳижрий йил (1832 й.); ғарбий дарвозахона эшигида 1333 ҳижрий йил (1914 - 1915 й.) ёзувлари ёзилган, бу қурилиш даврига шимолий-шарқий томондаги хужраларнинг қайта қурилганлиги ҳам тегишлидир. Деворлар, равоқлар, гумбазлар, хужралар, дарсхона ва кириш дарвозахоналари мурабба шаклидаги пишган ғиштдан терилган. Хужраларнинг тарзи анъанавий ечимга эга: равоқли тахмонларда тўғри бурчакли эшик оралиқлари мавжуд. Хужраларнинг ички деворлари сувалган ва оқланган.

Композициясига кўра минора уч ярусли қурилишга эгадир. Миноранинг асоси саккиз қиррали баланд призма, цилиндрик танага эга бўлиб, улар бири-биридан горизонтал чиқиб турувчи белбоғлар билан ажратилган. Ансамблга кириш алоҳида турувчи дарвозахона орқали амалга оширилади, бу дарвозахона ўртаси очик бўлган пештоқ - гумбазли павильонни ўзида намоён этади. Кириш павильонидан ўтган ташриф буюрувчи иккита алоҳида турувчи

минорага дуч келади, улар ўзининг шаклига кўра одатдаги минорага яқин бўлиб, улар соф декоратив аҳамиятга эга. Дарвозахона бир неча марта таъмирланган.

Дарвозадан иккинчи ҳовлига кириш жойигача бўлган ораликда дарахтли хиёбон бўлиб, унинг атрофида боғ яратилган. Жанубий хиёбонда дарахтлар билан қуршаб олинган ҳовуз жойлашган. 1967-1972 йилларда масжид-намозгоҳ таъмирланган ва музейга мослаштирилган.

Зангиота ансамблининг тадқиқоти ва уни ўрганиш билан кўплаб тадқиқотчилар шуғулланишган. 1979 йилда архитектор В.М.Филимонов томонидан Зангиота макбарасида илмий-тадқиқотлар олиб борилган ва таъмир лойиҳалари ишлаб чиқилган. 1984 йилда архитектор Э. Б. Мазинов муҳофаза зонасининг лойиҳасини ишлаб чиқган [35].

Хулоса қилиб айтганда, эски шаҳардаги архитектуравий ёдгорликлар, маҳаллалар, маҳалла марказлари, турар уйлар, кўчалар ва бошқалар унинг таркибий қисми ҳисобланади. Уларни ўз ўрнида сақлаш ва замон талабига мос тарзда таъмирлаш муҳим аҳамиятга эгадир.

1.2. Турар уйлар меъморлиги

Шаҳар деворидан ташқаридаги дехқончилик қилинган ерлар мавзе (мавзу) деб аталган. Шаҳар аҳолисининг анчагина қисми қишда бирон – бир касб билан шуғулланиб, эрта баҳорда мавзелардаги қўрғонларга (боғуйларига) кўчиб келинган. Ҳосил йиғилгандан кейин, кеч кузда шаҳардаги хонадонларига қайтишган. Деярлик ҳар маҳалла ўз мавзесига эга бўлган.

Одатда, қўшни маҳаллаларнинг мавзелари ҳам ёнма – ён бўлган. Ҳатто маҳалладаги хонадонларнинг жойлашув тартиби мавзедаги боғларнинг жойлашувида ҳам сақланган. Айрим ҳолларда эса маҳалла ўз мавзеси билан бир номда бўлган. Масалан: Эшонгузар ва Занги ота маҳаллаларининг мавзелари шу номлар билан аталган. Тошкентнинг жами мавзе ва

кишлоқлари катта майдонни эгаллаган. У шимоли–шарқда, Ниёзбек қалъасидан, жануби – ғарбда Қовунчигача давом этган. XX аср бошида мавзелар сони 150 дан ортиқ бўлган.

Эски шаҳарнинг қадимий меъморчилигини экологик нуқтаи назардан таҳлил этиш ғоят қизиқарли. Тош ва пишиқ ғиштли обидалар чекланган бўлиб, қурилиш материали сифатида биринчи навбатда тупроқдан фойдаланиб келинган.

Жамоат бинолари (саройлар, мактаблар, масжид ва миноралар ва ҳ.к.) пишиқ ғишдан барпо бўлган. Анъанавий ғиштлардан (1850 йилгача) шаҳарнинг асосий майдонидаги биноларда фойдаланилган бўлиб, улар (25х25х4.5 см) ўлчамга эга, кейинчалик XIX аср охири ва XX аср бошларида барпо этилган бинолар Роман ғиштларидан бунёд бўлган. Устки қатлами тарошланган тошдан қопланган, шу жумладан айвонлар ва гумбазлар биноларнинг асосий деворлари ғишдан терилган.

Хом ғишдан барпо этилган биноларнинг деразалари, панжаралари ҳам лойдан ясалган, бундай тупроқдан бўлган материаллардан кенг фойдаланилган бўлиб, уй ичига ҳаво кириб чиқиши, ёруғлик билан таъминланиши амалга оширилган ва уй-жойнинг дахлсизлиги таъминланган. Тошкентда собиқ рус протекторанти (подшо Николай II) даври бошланиши билан тўғри тўртбурчак шаклидаги ғиштлар ўрин эгаллай бошлаган (12х24х6 см), кейин эса собиқ совет даврида (1920 йил) турли модулдаги ғиштлардан фойдаланила бошланган.

Хусусий уйлар ёғоч материалдан синчли бўлиб, синчлар орасига хом ғишт ёки гувала териб боғловчи материал сифатида лойдан фойдаланилган. Сўнг усти тупроқ, қум ва сомондан иборат лой аралашма билан сувалган.

Биноларнинг олд томони, гумбазлар, асосий эътиборга молик бинолар (масжид, мадрасалар) сирланган ғиштлар ва геометрик бошқа миллий нақшлар ишланган сопол мозаикалардан барпо қилинган. Ушбу сопол санъати барча ислом меъморчилиги учун умумийдир. Қадимги даврлардан

бошлаб сирланган ғишт технологиясининг қўлланилишида форс меъморчилиги таъсири сезила бошлаган.

Тошкент усталарининг сопол буюмларидаги ранг жилоларини ҳосил қилиш учун, махсус тупроқли хом ашё, маъданлар ва маълум ишқор ҳосил қилувчи ўсимликларга мурожаат этишга тўғри келади. Сирнинг асосини шиша ҳосил қилувчи рангли материаллар ташкил қилиб, улар материалга сув ўтказмаслик ва ялтироқлик, жилоланиш хусусиятини беради. Масалан, кўк - мовий ранг ҳосил қилувчи материаллардан лазурит кенг қўлланилган.

Қоришмалар ва сувоқлар. Анъанавий бинолардаги сувоқлар гипснинг тупроқ ёки кумли аралашмасидан бажарилган. Махсус гипс бўлмиш “ганч”дан биноларнинг ички деворларини сувашда фойдаланилган. Ганч алебастрни паст ҳароратда (260°C) қиздириш йўли орқали олинган.

Ганч сувоқ бир неча афзалликларга эга. У биноларни зилзила вақтида унга бўлган қаршилигини оширади ва тез ёрилиб кетмайди, унинг эластиклик хусусияти мавжуд. Аммо ушбу материал ҳаддан ташқари сувли, яъни нам муҳитга чидамайди.

Қурилиш ва архитектуравий типология. Пахса ва синчли турар жой бинолари асосан тупроқ ва ёғочдан иборат бўлиб, устки қисми сомон сувоқ билан сувалган. Деворларнинг асоси, яъни пойдевори ёғочдан бўлган текис тагсинч бўлиб, у горизонтал тарзда қамиш ва сомон устига ётқизилган. Ушбу тарзда жиҳозланиши икки мақсадни кўзлаган: биринчидан қамиш ёғочни намликдан ҳимоя қилган, сомон эса ост синчга зилзила вақтида эластик ост ёстиқ вазифасини ўтаган.

Анъанавий уйларда бир нечта ичкари-ташқари ҳовлилар барпо қилинган ва улар ёз шароитларида ўтириш қулай ва салқин айвонлар билан жиҳозланган. Томлар горизонтал тарзда текис қилиб ишланган. Улар тупроқ, кум ва сомон аралашмасидан иборат лойсувоқ билан сувалган. Улардан уйга сув оқиб тушмаслиги таъминланган. Худди шундай лойсувоқ билан уйларнинг девори сувалган. Бу ишлар томсувоқчилар ва деворсувоқчи усталар томонидан бажарилган. Шундай қилиб, кейинчалик анъанавий лой

томли уйлар устига тунука томлар жиҳозланган (бу кўпгина мамлакатларда кузатилади). Бу шаҳарнинг тарихий ва эстетик кўринишини ўзгартиради. Худди шундай тарзда янги қурилатган уйларнинг олд томонлари одатга кўра ғиштли қоплама ёки бетон блоклардан бўлган қоплама билан қайта қурилмоқти.

Тошкентнинг эски шаҳар қисми ўзининг узок тарихи давомида фаол қурилиш ва қайта қурилишнинг бир неча босқичини бошдан кечирди. Қадимги давр иншоотлари замонлар ўтиши билан вайроналиклар ва янги қурилишлар остида қолиб кўп асрли маданий қатламлар билан қопланган.

Милоднинг биринчи асрларидаёқ Тошкентнинг асосий ўзак қисмининг атрофи қалин девор билан ўралган. Девор йирик-йирик хом ғиштдан, баъзи қисмлари пахсадан кўтарилган. Бу жиҳатдан ҳам Тошкент ўзига хосдир. Тошкент аҳоли турар-жойлари учун ривожланган ўрта асрлардаёқ маҳаллий қурилиш табиий-иқлимий шароитларга (сувсизлик, иссиқ, қуруқ иссиқ шамол эсиши) мос ўз маҳаллий қурилиш усули ишлаб чиқилган. У асосан синчли бир-уч қаватли, кўча томони деярли яланг девор, сомонсувоқли уй бўлган. Ташқи томондан айтарли кўримли бўлмаса-да, уйларнинг ички қисми манзарали ҳажмий маконий композицияси ва бетакрор бадиий безатилиши билан фарқланиб турган.

Эски шаҳар уйлари одатда дарвозадан анча нарида усти берк йўлак-долондан бошланган. Долоннинг аҳамияти тўғрисида машҳур арман адибаси ва шоираси Мариетта Шагиняннинг жуда ҳам эҳтиросли сўзлари бор. Шу фикрни тўлароқ келтиришни лозим топдик. “Бу Ордубадда (Эрон Озарбайжони) бўлган эди,- деб ҳикоя қилади шоира. Ҳарорат қирқ даража иссиқ эди. Қуёшнинг тик тушаётган нурларидан гўё ёниб бораётган кўчадан унча баланд бўлмаган (қўл узатса тегадиган) ярим тоқ шаклидаги дарвозадан ичкарига кирдим ва мени бирданига қоронғилик қамраб олди. Йўлак боққамас, ҳовлигаям эмас, балки тоннел бўйлаб давом этарди. Ва кошинкорлик қилинган бу тоннел тўғри кетмасдан, ҳар ўн-ўн беш қадамда “тирсаксимон” бурилишлар ясаб борарди. Кошинларнинг тупроқ рангу

мовийроқ тусини, озроққина ичига ботиб турган токчалар ва ундаги кўза ичидаги сувда қалқиб юрган атиргул япроқларини кўз илғаб олишдан олдин, мен димиқиб кетган, кўз очишга қўймайдиган жазирамадан роҳатбахш, салқин шабада эсаётган томонга бораётганимни сездим. Шабада гўё ёнингизда катта бир капалак елпитиб кетаётгандай туюларди. Ва сиз ичкарига кириб борганингизда, бу шабада сизнинг маржон терларингизни куритиб, юзингиз алангасини сўндириб сизга хузур бахш этади, энди юрагингиз бир маромда уриб, кўзларингиз ором олган, терингиз юмшаган, сочингиз оралаб салқинлик салқиб ўтиб ва ҳатто гўёки ковушингиздаги чанг йўл-йўлакай тушиб қолгандай туюлади, учинчи бурилишдан сўнг сизнинг олдингизда уйларнинг илоҳиёти - ҳовли намоён бўлади.

Тирсаксимон йўл кўркамлилик, ёки ҳовлининг қинғир-қийшиқлигидан эмас, балки ўзига хос соя ва салқин сақлагич ҳамда ҳаво ва шамолни йўналтирувчи механизм сифатида бунёд этилган.

Ҳақиқатан ҳам долоннинг уй-жой қурилиши соҳасидаги вазифаси муҳим бўлган. Ўз ўрнида у яна вестибюл ролини ҳам бажарган. Бундан ташқари кўшимча қурилиш майдони, ёғин-сочиндан бошпана бўлиб ҳам хизмат қилган. Долон кўпроқ шаҳар ҳовлиларида ишлатилган.

Тошкентдаги бадавлат хонадонларда учинчи ҳовли – саисхона (отхона билан бирга) ҳам бўлиб, у ташқари ҳовли билан боғланган.

Бой ва зодагонлар хонадонида дарвозахонадан кейин кўнгдалангига девор кўтарилган. У “ғулом гард”, яъни “қул қайтгин!” ёки “қул қайтар жой” деган маъноларни англатади. Бегона кишиларга бу девор чегарасидан ичкарига кириш рухсат этилмаган.

Ташқари ҳовлида одатда меҳмонхона, китобхона (кўпинча дарвозахона устига болохона сифатида ўрнатилган), дўконлар (хунармандлар уйида), омбор, оғил, ёрдамчи хоналар (ўтин, кўмир ва бошқаларни сақлаш учун), ҳожатхона, кўшимча айвонлар жойлашган бўлган.

Ичкари ҳовлида эса, тандирхона, ошхона, асосийси айвонлар ва даҳлиз, истиқомат хоналари, мадон туркумидаги хоналар бўлган. Тошкент уйлари

қурилишининг бир неча ўзига хос хусусиятлари бўлган. Шулардан бири хоналарнинг “тобистони” (ёзги) ва “зимистони” (қишки) зоналарга бўлиб қуриш анъанасидир.

Хоналарнинг ичлари тоқчабандлик қилиниб, идиш-товуқ қўйиладиган жим-жимадор тоқчалар аксарият гулдонда гуллаб турган бута тасвири нафис полихром деворий расмлар ташкил этган, деворлари ганчли нақшлар билан, шиплари эса рангдор қилиб безатилган.

Тошкент уйлари даҳлиз, кундузги ўтириш хонаси, ётоқхона, шохнишин ва мадон каби таркибий элементлардан ташкил топган. Булар ҳозирги тушунчада “квартира” элементларини ташкил этади. Ҳовлининг шарқ ва ғарб томонида хўжалик хоналари жойлашган. Бундан ташқари ҳовлида ошхона, омбор, дарвозахона, унинг устида китобхона, ёнида бадрав (ҳожатхона) бўлиб, бу хоналарнинг остида эса тағхона (подвал) жойлашган. Меҳмонхона ёки ҳовли атрофларидаги қуришлар билан банд қисми остида жойлашган ярим ертўла қавати омбор ва хўжалик эҳтиёжлари учун ажратилган. Қизиғи шундаки тағхонанинг асосий вазифаси салқин ҳаво етказиб берувчи ўзига хос кондиционер вазифасини ўтаган. Шунинг учун ҳам кўпинча тағхоналар ёзги хоналарнинг остини эгаллаган. Бунинг нақадар пухта ўйланганлиги шундан кўриниб турибдики, биринчидан подвалдан чиққан зах ҳаво ҳамма вақт юқоридаги хонанинг полини совутиб турган, унинг ҳовли саҳнида кўтаринқираброқ жойлашишига сабаб бўлган ва ниҳоят тағхонадаги очиқ туйнуклардан чиққан салқин, нам ҳаво ҳовлида шамол айланиши - табиий конвекцияни ва хоналар ичида аэрацияни яхшилашга сабаб бўлиб, микроклим ҳосил қилган.

Тошкент уйлари қурилишининг яна бир ўзига хос томони шундаки, кўпгина ҳовлиларда томлардан ёзда ётиш жойлари сифатида фойдаланилади. Айрим ҳолларда ҳатто болохоналар томларидан ҳам шу мақсадда фойдаланилган. Бир ҳовли билан иккинчи ҳовли томлари девор (тавора) билан ажратиб қўйилган.

Маълумки қадимда кўпгина Ўрта Осиё шаҳарларида яшаш учун яроқли хисобланган ерларга эҳтиёж кучли бўлган. Бу нарсa Тошкентда яна бошқа бир типдаги уйларнинг келиб чиқишига сабаб бўлган. Биз ҳикоя қилмоқчи бўлган бундай уйларнинг ҳовлиси бўлмаган. Бу одатда томонлари 20-30 метрдан ошмайдиган ҳудудда иморат қуриш санъатидир. Бундай иморатларнинг биринчи қавати тўлиқлигича тағхона (ертўла) қилинган. Бу ерга ўрнатилган мустаҳкам устунлар (ғишт ёки ёғочдан) юқори қаватдаги иморатларни ҳамда улар ташкил этадиган сахн - ҳовлини кўтариб турган. Ҳовлининг ўртасида пастдаги қават- тағхонадан салқинлик уриб турсин учун туйнук ўрнатилган. Тағхонада барча хўжалик хоналари ва ёрдамчи хоналар жойлашган. Юқорида эса яшаш хоналари ўрин олган. Улардан кўчага қараб дарчалар чиқарилган.

Шаҳар деворидан ташқаридаги дехқончилик қилинган ерлар мавзе (мавзу) деб аталган. Шаҳар аҳолисининг анчагина қисми қишда бирон – бир касб билан шуғулланиб, эрта баҳорда мавзелардаги кўрғонларга (боғуйларига) кўчиб келинган. Ҳосил йиғилгандан кейин, кеч кузда шаҳардаги хонадонларига қайтишган. Деярлик ҳар маҳалла ўз мавзесига эга бўлган.

Одатда, қўшни маҳаллаларнинг мавзелари ҳам ёнма – ён бўлган. Ҳатто маҳалладаги хонадонларнинг жойлашув тартиби мавзедаги боғларнинг жойлашувида ҳам сақланган. Айрим ҳолларда эса маҳалла ўз мавзеси билан бир номда бўлган. Масалан: Эшонгузар ва Занги ота маҳаллаларининг мавзелари шу номлар билан аталган. Тошкентнинг жами мавзе ва қишлоқлари катта майдонни эгаллаган.

Турар жой, унинг аҳамияти ва тузилиши. Иссиқ иқлимда турар жой турмуш шароитини ташкил қилишда асосий эътибор ёзги ҳароратни юмшатишга, хоналарни қизиб кетишдан сақлашга, уй планировка тузилишига фаол кирган ҳовли сахнидан максимал даражада фойдаланишга йўналтирилган. Кўчадан ажратилган, ички ҳовлига эга бўлган турар жой биноси энг яхши шароитларни таъминлайди.

Халқ турар жойининг ҳажмий-фазовий композицияси ҳовлининг очик фазоси билан ярим очик шийпонлар- айвон ва туташ хоналар бирикувида курилган. Кўкаламзор ва сув билан таъминланган ҳовли эрталабки салқиннинг ўзига хос тўплагичи ҳисобланади. Бу ерга ёзги хоналар ва ҳамма хоналарнинг эшик ва деразалари қаратилган. Яшаш хоналарининг қулай йўналтирилганлиги ва шамоллатишнинг тўғри ташкил қилиниши, офтобдан пана қилувчи соябонларнинг ўрнатилиши ёзги жазирамага бардош беришга ёрдам берган ва йилнинг илиқ вақтида очик ҳавода маиший турмуш жараёнларининг меъёрагидек ўтишини таъминлаган.

Бу элементлардан ҳар бири алоҳида фақат расман кўриб чиқилган, чунки уларнинг ўзаро алоқаси ва функционал ўзаро боғланганлиги шундай чирмашганки, турар жой маиший шароитини баҳолашда уларнинг бирини афзалроқ кўриш қийин. Шундай бўлсада, турар жойда йилнинг каттагина қисмида ҳовли асосий роль ўйнаган, у фақат атрофида турар жойининг ҳамма элементлари бирлашган ташкил этувчи ўзак бўлиб қолмай, хунармандчилик ва уй меҳнати билан, овқат тайёрлаш, оилавий овқатланиш, дам олиш, катта меҳмонлар билан байрамлар ўтказиш билан боғланган асосий ҳудуд вазифаларини ҳам ўтаган.

Халқ амалиёти кўрсатганидек, ҳовли ҳудуди планировкасига алоҳида эътибор қаратилган. Ер участкаси нотўғрилигини қурилмалар (асосан ёрдамчи) шакли ҳисобига текишлашга ҳаракат қилганлар, ҳовлилар эса кўпинча тўғри тўртбурчак кўринишига эга бўлган. Ҳовлилар майдони нормага солинмаган ва уй эгаларининг давлатмандлигига боғлиқ бўлган. Зич жойлашган шаҳар бинолари шароитида у ўртача 30-60 м² ни ташкил қилган. Қурилиш майдонининг (айвон билан бирга) ҳовли майдонига нисбати маълум қизиқиш уйғотади. Турар жойларнинг ўлчов ишлари бўйича ҳисоб-китобларнинг кўрсатишича, ҳовли майдони тахминан қурилиш майдонига тенг, яъни нисбат 1:1, катта шаҳарларда у 1:2; шаҳар ташқариси ва қишлоқ кўрғонларида 2:1. Турар жой қурилишида ҳовлиларга сув киритилганлигига катта аҳамият берилган. Маиший-хўжалик мақсадлари ва экинларни суғориш

билан бирга сув уй ҳудудида ҳавони намлантириш учун керак бўлган. Оқувчи сувли оддий зовур-ариқлардан ташқари баъзида сув ҳавзалари-ховузлар қурилган.

Экинлар турлари, уларнинг сони ва жойлашуви турар жой микроиқлимига муҳим таъсир кўрсатган ва ер майдонида, тупроқ таркиби, ер майдонининг сув билан таъминланиш даражаси, шунингдек уй эгаларининг дид ва талабларига боғлиқ бўлган. Одатда бу ҳовли марказидаги бир қанча меваги дарахт ва тут дарахти ҳамда айвон ва яшаш хоналари ёнида гулзорлар бўлган. Йилнинг бутун иссиқ вақти давомида сақланадиган ширадор қалин япроқли узумзорлар бундай ҳовлиларнинг зарурий белгиси бўлган. Узумзорлардан деворлар олдида ва уйлар томи устида шийпонлар ҳосил қилинган. Ҳар бир жойда бундай узумзорларнинг анъанавий усуллари мавжуд. Дарахтлар соясида супа- дам олиш, овқатланиш, меҳмонларни кутиш жойи бўлиб, хизмат қилувчи лойли ёки ёғоч тахта супа жойлашган. Ҳовли ҳудудида овқат тайёрлаш учун жой ажратилган. Ҳовлида, яшаш хоналаридан алоҳида жойда ҳожатхона жойлаштирилган.

Аммо оила ҳаёти кўпинча йилнинг илиқ ва иссиқ вақтида бир, икки ёки уч томондан ҳовли томонга очиқ бўлган айвонлар майдонида ўтган. Айвонларнинг энг кенг тарқалган чуқурлиги 2, 3, 4 м. Айвонлар композицияси уйнинг умумий тузилиши билан боғланган. Айвонларга одатда яшаш хоналарининг эшик ва деразалари қаратилган. Айвонлар баланд ва паст, бир, икки ва кўп устунли, ёпиқ хоналарнинг кенг томонига тақалган ёки икки хона орасига киргизилган бўлади. Ниҳоят, алоҳида турган ёки уйнинг текис томи устида кўтарилган айвонлар бўлади. Умумий, айвонлар майдони очиқ хоналар майдонида тахминан тенг.

Тошкент шаҳри тарихий қисмининг турар жой кварталларида ўтказилган тадқиқотлар ҳовли фазоси ва ёзги хоналарнинг йилнинг илиқ кунларида оиланинг кўп вақт бўладиган асосий жойи сифатидаги ҳолати сақланганлигидан гувоҳлик беради. Шу билан бирга Ўзбекистон шаҳарлари ривожининг биноларнинг қайта зичлашуви билан кузатиладиган тарихий

жараёни унинг қаватлилиги ошишига олиб келди. Алоҳида ҳовли-жойларнинг узлуксиз бўлиниши қадимги турар жойлар яхлит массивини кесиб ўтувчи кўплаб берк кўчаларни пайдо қилди. Буларнинг ҳаммаси шунга олиб келдики, ҳозирги вақтда турар жойларнинг бир қисми қониқарсиз санитар-гигиеник шароитларга тушиб қолди (массив ҳудуди планига қаранг).

Муҳандислик тизимларининг йўқлиги ободонлаштиришнинг паст даражасини юзага келтирди, бу табиийки, ҳовлилар ва ёзги хоналар функцияларида ҳам акс этади, тадқиқ қилинган биноларда асосан ҳамма хўжалик жараёнлари ҳовлида ёки шийпонлар тагида ўтади. Ҳовли сатҳининг бир қисми ўзининг асосий аҳамиятини – яшаш жойининг композицион ва функционал маркази, ёзги вақтда салқин ҳавони сақловчи жойни деярли йўқотган. Турар жойлар ҳовли сатҳида ҳозирги вақтда бўлиб ўтадиган маиший жараёнлар рўйхати тадқиқотлар натижасида аниқланган. Бу қуйидаги асосий функционал зоналарни аниқлаш имконини берди: умумий оила жойи, болаларнинг ўйнаш ва ўсмирларнинг машғулотлар жойи, шунингдек хўжалик зонаси.

Умумоила зонаси майдонида дам олиш, оилавий муносабатлар ва овқатланиш, меҳмонларни қабул қилиш, телевизор томоша қилиш каби жараёнлар бўлади. Бу умумий хона асосий вазифаларини куннинг қулай вақтида ташқи муҳитга олиб чиқиш имконини беради. Бу зона ҳовлида энг қулай, асосий яшаш хоналарига бевосита яқин жойни, дарахтлар ва тоқлар соясини эгаллайди. Бу зонанинг жиҳозланиши турар жойларнинг ҳамма тадқиқ қилинган турларида ўхшаш: бу, одатда, металл ёки ёғоч супа, скамейка ёки стуллар, баъзида кроватли соябон.

Болаларни ўйнаш ва ўсмирларнинг машғулот зонаси кўпинча умумоилавий зона билан бирлашади, аммо оилада тўртта-олтита боланинг борлиги ўйинлар учун етарлича майдон яратиш заруратини юзага келтиради.

Тадқиқ қилинган турар жойлардаги хўжалик зонаси одатда ҳовлининг узок бурчагига жойлаштирилган. Ҳовлиларнинг хўжалик зонасига олиб

чиқилган маиший жараёнлар рўйхати - бу, овқат тайёрлаш, буюм ва маҳсулотларни сақлаш, буюмларни тозалаш ва кир қуриштириш -кўп болали оилаларда доимий жараён. Аммо тўлиқ ободонлаштирилган баъзи қайта қурилган ҳовли-жойларда ваннахона, туалет, ошхона, хўжалик жараёнларининг асосий қисми бевосита хоналар комплексида олиб борилади.

Турар жой ҳовлисида жараёнларнинг нормал ўтишининг асосий шarti қулай микроиклим шароитларини яратиш, кўкаламзорлаштириш ва ҳовлига сув олиб киришдан иборатдир. Экинларнинг ўсиши учун мувофиқ шароит ва майдонлар зарур. Бундан ташқари, ҳовлилардан тўлиқ фойдаланиш учун уни атмосфера ёғинларидан ҳимоялаш, фазовий ташкиллаштириш зарур бўлади.

Тошкентнинг тарихий қисмидаги турар жой кварталларида олиб борилган тадқиқотлар турли миқдорли таркибга эга оилаларнинг ҳовли сатҳидан фойдаланиш функциялари ва жадаллигини белгилаш, ҳовлиларда бўладиган маиший турмуш жараёнларининг ҳисоб таркибини аниқлаш имконини берди. Умумоилавий зона параметрлари дам олиш, бутун оиланинг овқатланиш, тунги уйку ва шу кабилар учун анъанавий (супа, овқатланиш учун стол ва стуллар) ёки замонавий мебель билан жиҳозланиш ўлчамлари билан аниқланади. Болалар зонасининг минимал ўлчамлари баъзи ҳаракатли ўйинлар- арғамчида ўқишни таъминлаши керак. Бунда бу зона учун шунингдек кўкаламзорлаштириш воситалари билан соя бериш мумкин. Болалар ва умумоилавий зоналар чегарасида кичик гулзорнинг ташкил қилиниши фақат ҳовли ободонлашувида эмас, балки болалар тарбиясида ҳам катта аҳамиятга эга. Ҳовлиларнинг хўжалик зонаси асосий майдондан кўкаламзорлаштириш воситалари, декоратив экранлар билан ажратилган.

Замонавий биноларда ўтказилган тадқиқотлар шуни кўрсатдики, хоналарни атмосфера ёғинлари, совуқ, ҳовли майдонидаги намдан сақлаш учун кўп ҳолларда яшовчилар айвонларни, яшаш хоналари ва ошхоналарнинг ёруғ жойлари олдида жойлаштирганлар. Кўпинча бу айвонлар ойнабанд қилиб ишланган. Бундан ташқари, хўжалик зоналарида

соябон –айвонлар кенг тарқалган. Ҳовли майдонини хоналар билан боғлаш катта аҳамиятга эга. Квартирага даҳлиз ёки ҳовлича орқали кирилса, анча қулай ҳолат юзага келади. Умумий хона ва ошхонанинг ҳовли билан алоқаси йилнинг илиқ вақтида амалга оширилади. Даҳлиз билан ҳовли боғланмаса, қийин шароит юзага келади. Бу ҳолда асосий боғланиш йилнинг ҳамма вақтида ошхона орқали бўлади. Шунинг учун ҳовли билан бевосита алоқада бўлган хонани атмосфера ёғин-сочинларидан, намдан ва бошқалардан соябон ва бостирмалар ўрнатиш, бу хоналар олдига тош терилган майдончалар ишлаш ва намни йўқотиш бўйича тадбирлар орқали ҳимоя қилиш зарур

1.3. Маданий жойлар (мозорлар, гузарлар)

Мустақиллик йилларидаги кенг миқёсли шаҳарсозлик тадбирлари туфайли тарихий шаҳарлар марказларини тиклаш ва реконструкциялаш янгича моҳият касб этди. 1980-2008 йиллар давомида бизда шаҳар марказлари-қўриқхоналар (Бухоро, Самарқанд: 1988 йилдаги қўриқхоналар, Хива: 1983 йилдаги музей-қўриқхона, Шахрисабзда-1996 йил, Қаршида-2006 йил, Қўқонда-2005 йил ва бошқалар) пайдо бўлди.

Мустақиллик йилларида маънавият, санъат, маданият ва маърифат ривожига, маданият соҳасини ислоҳ қилишга, унинг ижтимоий ва тарбиявий ролини оширишни таъминлашга йўналтирилган қатор муҳим давлат ва ҳукумат ҳужжатлари қабул қилинди. Маданий қурилиш соҳасида стратегик йўналишлар ва аниқ вазифалар белгиланди.

Ривожланиш жараёни меросни муҳофаза қилиш соҳасида янги таклифларни келтириб чиқаради. Ва бу ерда Ўзбекистон давлат сиёсати биргина маънода- моддий меросни фақат номоддий ва маънавий асосда, фақат мавжуд бўлган маданий ландшафт негизида англаш мумкин. Бу Ўзбекистоннинг 2001 йил августида давлат Олий Мажлиси (Парламенти) томонидан қабул қилинган “Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш,

сақлаш ва улардан фойдаланиш ҳақида”ги янги қонунида ўз ифодасини топган. Бу қонун доирасида моддий маданият ёдгорликлари сифатида уларни сақлаб қолиш, таъмирлаш, консервация қилиш ва улардан фойдаланиш бўйича ҳамма масалалар тартибга солинади. Шунингдек Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 49 бўлимида (XI Бобнинг иккинчи қисми) граждaнлар Ўзбекистон халқи тарихий, маънавий ва маданий меросини асраб-авайлашга мажбуриликлари айтилади.

Охирги ўн йилликлар шаҳарсозлик амалиёти шуни кўрсатдики, ўрта асрлар ва классик меъморчилик дурдоналари фақат сақланиб қолмай, ўраб турувчи турар жой биноларига ҳам эга бўлган шаҳарлар гўза, ўзига хос манзараларга эгадир.

Тошкент мисолида тарихий муҳитнинг янгиланиши мустақил Ўзбекистоннинг “эски” шаҳар билан муносабатидаги янги, инсонпарвар сиёсатининг ёрқин мисоли бўлиб хизмат қилади. Эски шаҳар аҳолисини унинг бинолари чегарасида жойлаштириш; аҳоли социал-демографик тузилишини сақлаш; турар жой кварталлари-маҳаллалар принципларини тиклаш; эски шаҳар ҳудудини ўз-ўзини ташкиллаштириш принципи бўйича бошқаришнинг анча мукаммаллашган системасини; янги магистрал тизимлар ва маъмурий- ижтимоий вазифадаги бинолар қурилиши методикасини ишлаб чиқиш вазифалари қўйилади.

Ўзбекистон Республикаси президенти И.А.Каримов айниқса мавжуд эски тарихий бинолар ҳамда шаклланаётган янги турар жой районларида тўлақонли ҳаётини муҳит яратишдаги уларнинг муҳандислик, социал-маданий ва маиший хизмат кўрсатиш орасидаги номутоаносиблик кўзга ташланадиган тарихан юзага келган шаҳарларнинг шаҳарсозлиги, қайта қуриш ва комплекс қурилиши ривожининг асосий масалаларини белгилаб берди.

Республика президенти И.А.Каримов ташаббуси билан авж олган Тошкентнинг эски шаҳар қисмини реконструкциялаш бўйича кенг қўламли тадқиқот ишлари охирги йилларнинг характерли хусусиятидир. Янгилаш стратегияси, ўтмиш ҳозирги давр билан муваффақиятли уйғунлашиши учун

халқимиз меъморий ва тарихий меросига эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлишни назарда тутди.

Кўп йиллик шаҳарсозлик ўзгаришлари жараёнида Тошкентнинг эски шаҳар қисмига жиддий ўзгартиришлар киритилди. Тарихий қийматга эга турар жойларнинг ярмидан кўпи йўқ бўлиб кетди, баъзи тарихий ва маданий ёдгорликлар бузиб ташланди, муҳим аҳамиятга эга тарихий-меъморий ёдгорликлар муҳофаза зоналаридаги функционал ва композицион тузилишлар бузилди, қадимги планировка тузилишининг кескин ўзгаришлари юз берди. Бунинг ҳаммасига сабаб шуки, тарихий бинолар ўз асрини яшаб бўлган деб ҳисобланди ва бу ерда туб ўзгаришлар назарда тутилганди- тарихий турар жойларни, гузарларни бузиш, кўча ва берк кўчаларни қайта планировкалаш; эски шаҳар ҳудудига кўп қаватли турар жой биноларини қуриш.

Аммо ҳозирги вақтда эски Тошкентнинг тарихий меросини қайта баҳолаш юз берди, айниқса меъморий-шаҳарсозлик соҳаларида. Эҳтимол эски массивларни текшириш фақат лойиҳалардан илгари ўтказилмай, кўриб чиқиладиган районнинг тарихий планини ишлаб чиқиш жараёни билан барабар олиб борилиши керак. Улар турар жой массивининг тарихий ривожланиш анъаналари ва қонуниятларини кўрсатиб бериши, меъморий ёдгорликлар, турар жойлар планировка тузилишининг фазовий системаси ва берилган маҳалла ландшафти қийматини белгилаб бериши ва уларни муҳофаза қилиш услубларини таклиф қилиши керак. Уларнинг комплекс ечими учун тарихчилар, археологлар, санъатшунослар ва бошқа мутахассисларни жалб қилиш зарур.

Тошкент шаҳрининг тарихий қисмида жадал ривожланиш натижасида бир томондан янги турар жой районининг нисбатан қулай муҳитини яратиш, бошқа томондан тарихий ҳудудларни реконструкциялаш учун ички резервларнинг ниҳоятда чегараланганлиги бир-бирига тўқнаш келади. Шаҳарнинг тарихий қисмида сайёҳликни ривожлантириш мақсадида чет

эллик сайёҳлар учун ҳунармандлар амалий ижоди марказини ташкил қилиш мумкин бўлган резерв ҳудудлар йўқ.

Шаҳарнинг илгари юзага келган қисмининг планлаштирилган реконструкцияси ва унинг шаҳарсозлик такомиллашуви суръатларининг жадаллашуви Тошкент ҳаётида юз берувчи жиддий сифат ўзгаришларининг гувоҳи ҳисобланади. Бу ўзгаришларнинг моҳияти замонавий ҳаётнинг ҳамма шакллариининг эски шаҳарга фаол сингиб боришидан иборат бўлади.

2011 йилда Ўзбекистон халқи мамлакат мустақиллигининг муносиб йигирма йиллигини нишонлади. Президент Ислон Каримовнинг 2011 йил 6 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма йиллигини байрам қилишга тайёргарлик ва уни ўтказиш ҳақида”ги қарорида таъкидланганидек, ҳар йили мустақиллик куни бизнинг энг улуғ, энг азиз байрамимиз сифатида тантанали нишонланиши ижтимоий-сиёсий ва маънавий ҳаётда муҳим рол ўйнайди.

Шу тарихан қисқа даврда мамлакатимизда кенг кўламли ислохотлар амалга оширилди, уларни амалга ошириш вақтида миллий анъаналар ва қадриятларнинг тикланишига алоҳида эътибор қаратилди. Мустақиллик йилларида граждан жамияти институти мақомига эга бўлган “маҳалла” унинг ёрқин ифодаси бўла олади.

Халқ донишмандлигида айтилганидек,- “маҳалла-ҳар биримиз учун ҳам ота, ҳам она”. Бу демократик принциплар, гражданлар йиғинларда тўпланиб, ўз ҳудудлари ҳаёти ва фаолиятини ўзлари бошқаришларида мужассам бўладиган бошқариш системасида асосий звенодир.

Айнан маҳаллада кўп асрлар илгари одамлар ўзаро муносабатларининг мустақил институти юзага келган ва ҳозиргача мавжуд. Энг аввало бу кўшничилик муносабатларига амал қилиниши, ёшларига кўра катталарни ҳурмат қилиш ва кичикларни қадрлаш, қариялар, болалар, касаллар ҳақида қайғуриш ва бутун маҳалла тантаналарни ташкиллаштиришда, у ёки бу оилага уй қуриш учун хашар ўтказганда иштирок этишидаги ўзаро ёрдамнинг анъанавий, инсоний йўли.

Мамлакатимизда граждaнларнинг ўз-ўзини бошқариш органлари фаолиятининг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш бўйича қабул қилинган изчил чоралар туфайли маҳалла жамиятнинг сиёсий, иқтисодий ва маънавий-маърифий ҳайтининг ажралмас қисмига айланди.

Маҳалла қўшничилик ва тотувлик, олийжаноблик ва раҳм-шафқат маркази ҳисобланади. Оилаларда соғлом муҳитни шакллантириш, ўсиб келаётган авлод руҳида юксак маънавиятни тарбиялаш мақсадида “Маҳалла” фонди томонидан, “Камолот” ёшлар бирлашмаси билан ҳамкорликда жамоат ташкилотлари томонидан турли маданий ва спорт тадбирлари ўтказилади. “Маҳаллам тарихини ўрганаман”, “Энг фаол яраштирувчи комиссия” ҳар йилги конкурслари, “Соғлом оила”, “Спорт оиласи” ва бошқа кўплаб тадбирлар ўтказиш анъанага айланган.

Маҳалланинг ўз байрамлари ҳам бор. Масалан, 1996 йилдан бошлаб мустақиллик куни арафасида августнинг биринчи шанбасида жойларда “Маҳалла куни”ни ўтказиш анъанага айланиб қолди, бутун июль-август давомида эса унга тўғриланган тадбирлар, улар қаторида “айланма стол” атрофида семинарлар, конкурслар, суҳбатлар ўтказилади. Бу байрам маҳалла ҳаётидаги ижобий ўзгаришлар ва муваффақиятларнинг ўзига хос намоёйишидир.

Маҳалла институти муҳим тарихий қийматга эга. Унинг ўзига хос тузилиши негизида маҳаллий ўз-ўзини бошқаришнинг янги принципларини муваффақиятли ривожлантириш мумкин. Президент Ислам Каримов томонидан тақлиф қилинган мамлакатдаги демократик ислохотларнинг кейинги теранлашуви ва граждaн жамиятининг шаклланиш концепциясида 1999 йил 14 апрелдаги “Граждaнларнинг ўз-ўзини бошқариш ташкилотлари ҳақида”ги қонунига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш зарурлиги ҳақида таъкидланади. Бу, маҳаллани, аҳолини социал ҳимоя қилиш, хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш марказига айлантиришга, шунингдек бошқарувнинг давлат идоралари фаолияти устидан ижтимоий

назорат қилиш системасида маҳалла функцияларининг кенгайишига ёрдам беради.

Ўзининг “Юксак маънавият-енгилмас куч” номли китобида Президент Ислон Каримов бизнинг ҳар бир оиламиз, бутун халқнинг маънавий муҳитини баҳолаш учун бу ҳақиқатни ойнадек равшан акс эттирувчи маҳаллага мурожаат қилиш етарлидир, дейди. Шубҳасиз, граждан жамиятининг бу институтига замонавий талабларни инобатга олган ҳолда алоҳида эътибор қаратиш амалда унга “Кучли давлатдан-кучли граждан жамияти сари” принципининг муҳим омили бўлишига имкон беради.

Аммо Тошкентнинг қадимда юзага келган турар жой массивларининг реконструкциясида кутилажак ўзгаришларни профессионал баҳолашнинг мураккаблиги келажакда қатор вазиятлар билан изоҳланади. Бу қадимги турар жой реконструкцияси ва моддий маданият ёдгорликлари тўпланган жойлар муҳофазаси вазифаларига нисбатан комплекс шаҳарсозлик ёндошувининг нисбий янгилашувидир.

Ниҳоят- бу, икки минг йилдан кўпроқ даврни ўз ичига олган шаҳар ривожининг унинг кўп қатламли планировка тузилишида сақланиб қолган босиб ўтилган йўлининг кўп қирралиги ва такрорланмаслигидир.

Э с к и ш а ҳ а р бинолари меъморлигида, жумладан масжид ва мадрасалар қурилишида усталар томонидан қадимий, япалоқ ғишт билан баробар замонавий ўлчамларга яқин ўлчамлардаги соллоти ғишт, гумбаз ва томлар учун тунока, зиналар учун темир ҳам қўлланилган.

Эски шаҳарда кўпгина янги бинолар пайдо бўлди. Шайхонтаҳур мажмуасининг дарвозаси (1892 йил, уста Абдурахим), Тўхта бойвачча масжиди (1906 йил), Шайхонтаҳур даҳасининг Баланд масжиди (1925 йил, уста Мўмин) каби бинолар бунга мисол бўла олади. Мақбара кўп, катта – кичик таъмирлар натижасида дастлабки ҳолатини йўқотган. Бинонинг шарқий ёнида ҳам хона қолдиқлари сақланган. Мақбара пештоқли айвон, зиёратхона ва гўрхоналардан иборат. Пештоқ дастлаб бошдан оёқ сирланган эди.

Бўлим бўйича хулосалар

Изланишлар давомида қуйидаги хулосаларга келдик:

- Мустақилликка эга бўлингач, ҳукуматимиз томонидан республикада маданий мерос ёдгорликларини муҳофаза қилиш, таъмирлаш ва улардан фойдаланиш масалаларига ва уларнинг иқтисодий жиҳатдан даромадли соҳалардан бири сифатида ватан ва халқаро сайёҳликни ривожлантиришдаги ролига жиддий эътибор кўрсатилмоқда;

- Эски шаҳар бинолари меъморлигида, жумладан масжид ва мадрасалар қурилишида усталар томонидан қадимий, япалоқ ғишт билан баробар замонавий ўлчамларга яқин ўлчамлардаги соллоти ғишт, гумбаз ва томлар учун тунука, зиналар учун темир ҳам қўлланилган;

- Эски шаҳар уйлари одатда дарвозадан анча нарида усти берк йўлак-долондан бошланган;

- Тошкент уйлари даҳлиз, кундузги ўтириш хонаси, ётоқхона, шохнишин ва мадон каби таркибий элементлардан ташкил топган;

Шунингдек мустақиллик йилларида амалга оширилган баъзи ишларда камчиликлар ҳам кузатилди. Жумладан, таъмирдан чиққан ва қайта қурилган ёдгорликларда қуйидаги ҳоллар кўзга ташланади:

– таъмирлаш ва қайта тиклаш лойиҳаларининг синчиклаб ишлаб чиқилган асоси мавжуд эмас;

– муҳандислик ва коммуникацион тармоқлар ўтказиш чоғида қурилиш-созлов ишлари сифати жуда ҳам паст даражада;

– таъмирлашда цемент, бетон, темир-бетон ва бошқа замонавий ашёлар ўз ўрнида ишлатилмаган;

– ёдгорликлардан замонавий функцияларда фойдаланиш сифати паст даражада.

II–бўлим. 1920-80 йилларда Тошкент шаҳри қайта қурилиши кўринишлари (шаҳристон, калковуз)

2.1. Микротуманлар: М-26, 27 ва уларнинг ўзига хос жиҳатлари

Тошкентнинг зилзиладан кейин қурилган янги микрорайонларида меъморлар ва қурувчилар катта ишни қилдилар. Турли лойиҳалаш ташкилотлари янги микротуманлар қуриш лойиҳаларини ишлаб чиқдилар. Гипрогор (Москва, Петербург), Гипрогор (Украина), Укргорстройпроект, Азгоспроект, Ташгипрогор, Ўзгоспроект ва ҳоказолар шулар жумласидандир. Ҳар бир республика меъморлари ўз услубларини, ўз индивидуаллигини намоиш этди. Лойиҳалаштиришнинг қисқа муддатлари шунга олиб келдики, шаҳарнинг кўплаб янги туманларидаги қурилиш турлича тус олди, кўпинча меъморий-режалаштириш жиҳатдан шаҳарнинг бошқа қисмлари билан қовушмади.

Шундай бўлса-да, турар-жой мажмуаларини режалаштириш нуқтаи назаридан қизиқарли лойиҳалар озмунча эмасди, бунда меъморлар жойнинг рельефеи ва ўзига хослигини ҳисобга олар эдилар.

Шайхонтохур туманидаги М–13, шаҳар марказий қисмидаги М–4, М–5, М–6 ва М–7, Қорақамиш–2 турар-жой микрорайонлари ва бошқалар шунга мисол бўла олади.

1966 йилларда Москва Гипрогор ишлаб чиққан М–4, М–5 ва М–6 микрорайонлари (Я.Аир-Бабамян, С.Райтман, Р.Высоцкий ва бошқалар) Тошкентнинг шимолий турар-жой тумани таркибига киради ва ўз асосида режалаштиришнинг бир хил усулига эга.

Ҳар бир микрорайон кундалик хизмат, ҳордиқ ва спорт унсурлари билан бирлаштирилган турар-жой мажмуасини намоён этади.

Қурилишда жойнинг ландшафти, табиатнинг ҳар бир унсури ҳисобга олинган. Човли ариғи ҳудудни муҳандислик тайёрлаш лойиҳаси бўйича қувурга олиб кирилган, эски ўзан жойида эса сербезак ҳовузлар қурилган,

уларнинг мажнунтоллар ўтказилган қирғоқлари манзарадор дам олиш масканига айлантирилган. М–5 ва М–6 микрорайонлар ҳудудидаги иккинчи ўзан бўйлаб мавжуд дарахтлар тўла сакланиб қолган ҳолда каштан ва чинорлар экилган сайргоҳ хиёбон барпо этилган. Лойиҳанинг иккинчи хусусияти – турар-жой уйларига киравериш томонидан соядор ҳовличалар ва асосий пиёдалар йўли ёқалаб микрорайонлар ҳудудида сўричалар тизимини яратиш.

Микрорайон режасида алоҳида турар-жой уйлари жойлаштиришга дунё мамлакатлари бўйлаб самарали мўлжаллаш ва турар-жой ва жамоат бинолари алмашиб келадиган қурилиш силсиласини вужудга келтириш асос қилиб олинган. Ансамблли композицияда тик доминантлар қўлланган. Масалан, М–4 микрорайонида тўққиз қаватли турар-жой уйлари турар-жой жамғармасининг 64 фоизини ташкил этади. М–5 микрорайонида тўққиз қаватли турар-жой уйлари 37,2 фоизни, икки қаватли уйлар 2,8 фоизни ташкил этади. Камқаватли биноларнинг мажмуа тизимига киритилиши амалий жиҳатдан ўзини оқлаган ва хусусан шу ҳудуд иқлим хусусиятларига ва Ўзбекистон аҳолисининг барқарор маиший анъаналарига жавоб беради.

“Украина” микрорайони шаҳардаги асосийларидан бири, у пойтахт марказий қисмида жойлашган. Микрорайон периметрал қисмига олиб чиқилган тўққиз қаватли синчли-панел турар-жой уйлари Ш.Рашидов марказий проспекти ва муюлишда унга туташ Космонавтлар кўчаси қурилишида меъморчилик аҳамияти касб этади.

Ш.Рашидов проспектига кирувчи, 198 хонадонли 10 қаватли турар-жой уйлари Марказий универмаг биноси билан биргаликда микрорайоннинг шаҳарсозлик иншоотлари ҳисобланади. Қурилиш композициясининг табиий ва изчил давоми – қўшалок бир секцияли тўққиз қаватли турар-жой уйлари ва уларга туташтириб қурилган савдо корхоналари ва маиший хизмат уйлари. Бош тарз қисмининг меъморий ечими балконларни ажратиб турувчи бурилувчан тик қуёшқайтаргич қурилмалари ва унсурларини, балконларни бириктириши асосига ҳал этилган [31].

Микрорайон тўрида жойлашган узун-узун турар-жой уйлари кўпқаватли уйларга тағзамин бўлиб хизмат қилади. Микрорайонни Киев ЗНИИЭП иштирокида Украина Давлат Курилишининг Гипроград жамоаси лойиҳалаштирган.

Москва меъморлари ва шаҳарсозлари ҳам шаҳарни қайта тиклашга катта ҳисса қўшдилар (Чилонзордаги микрорайонлар ва шаҳарнинг марказий қисми).

Шаҳар маркази бош режасига мувофиқ бу микрорайонлар қурилиши Амир Темур хиёбонини ёйдек ўраб олиб, узунлиги ярим километр келадиган шинам савдо-жамоат кўчаси ташкил этган. Мажмуалар биринчи қаватида хизмат кўрсатиш муассасалари бўлган қатор секцияли тўққиз қаватли уйлар билан очилгандек кўринади. Шаҳрисабз (собик Биринчи май) кўчаси ёқалаб жойлашиб, улар марказий шоҳроҳлардан бири – Мустақиллик (собик Пушкин) кўчасига олиб боровчи ўзига хос “дарвоза”ни вужудга келтиради.

Ҳар бир уйнинг анча узун бўлиши (250 метр) бир маромдаги йирик алмашувлар билан мажмуанинг ҳажм-кенглик ечимини юзага келтирган. Режада эгма шаклга эга бу уйлар пластикасининг бойлиги ва меъморий ишлови, режалаштирилишининг қулайлиги ва яхши ўйлаб жойлаштирилганлиги билан ажралиб туради; барча йўлақлар ва қўшимча хоналар шоҳроҳ томонга қаратиб қурилган; яшаш хоналари ва балконлар эса маҳалла ичкарисига қараган.

Ўрта Осиё турар-жойининг таркибий қисми бўлмиш балконлар айна вақтда қуёш тўсқич воситаси ва йилнинг иссиқ фаслларида оила турадиган қўшимча зона бўлиб хизмат қилади.

Ўчоқбоши ва балкон билан бевосита боғлиқ умумий турар-жой хонаси хонадонга кираверишда жойлашган. Санитария тармоғи билан гуруҳлашган ётоқ хоналар хонадон тўрида жойлашган. Уйларнинг бундай режалаштирилиши, шунингдек қуёшқайтаргич талаблари маълум даражада деворларнинг ташқи кўринишини белгилаб берган.

Биринчи қаватларда жойлашган савдо ва маиший хизмат муассасалари – “Болалар дунёси” дўкони, қаҳвахона, омонат касса ва ҳоказолар микрорайонлар қиёфасини анча бойитади. Мустақиллик кўчасидаги М–1 микрорайон таркибига кирувчи учта тўққиз қаватли бино етакчи ўрин тутди. Улар ягона пойдевор билан бирлаштирилган ва шохроҳ миқёсига таъсир кўрсатади. Уйларнинг бундай жойлашуви шаҳарнинг турли нуқталардан яхши кўриниб турувчи марказий қисмининг умумий қиёфасини белгилаб берган. Турли қаватли, ўлчамли ва қиёфали уйларнинг бирикуви муаллифларга микротуманнинг қизиқарли истикболларини яратишга имкон туғдирди. Мазкур микротуманлар қурилиши қурувчилар иши сифатининг яхшилиги билан ажралиб туради, деярли барча яшил буталар сақланиб қолган.

Ўзбекистон ҳукумати москваликлар меҳнатини юксак баҳолаган эди, яъни Тошкент марказий турар-жой микрорайонлари қурилиши лойиҳасини ишлаган меъморлар А.Рочегов, В. Степанов, В.Гинзбург, Ю.Ранинский, М.Фирсовга Ўзбекистон Давлат мукофоти берилган [31].

Тошкент марказининг зилзиладан кейин юзага келган турар-жой мажмуалари таҳлиллари турар-жой муҳити сифатида катта ўзгариш рўй берганидан далолатдир. Марказнинг янги турар-жой мавзелари хилма-хил ва қизиқарли, турли режавий кесма бўйича – эркин, кўндаланг, чидамли тарзда қурилган уйларнинг хилма-хил намуналаридан фойдаланилган.

Тошкент марказий тумани ғарбий қисмида жойлашган М–26, М–27 микрорайонлари (Г.Коробцов, И.Коптелова, С.Одилов ва бошқалар) қиёфаси қизиқарли, уларнинг қурилиши Талабалар шаҳарчасини шаҳар маркази билан боғловчи тузилмавий шохроҳ (шимоли-ғарбий “нур”) – Беруний проспектини вужудга келтирган [8].

Бу микрорайонлар йирик панелли икки тўрт ва тўққиз қаватли уйлардан ташкил топиб, уларда жимжимадор панжаралар кўринишидаги индустриал стационар қуёшқайтарғичдан кенг фойдаланилган, панжаралар гулдор безак,

шунингдек Абу Райхон Беруний илмий ишлари мавзусидаги йирик сопол сувратлар ҳосил қилган.

Мазкур ҳудуд учун анъанавий “маҳалла” тизимида хос аҳоли демографик тузилмаси ва оилавий таркибини, анъанавий турмуш тарзини ҳар томонлама ҳисобга олишга асосланган меъморий-режавий ташкиллаштириш микрорайонларнинг ўзига хос сифати бўлиб қолди. Бу хусусият маҳалла аҳолисининг катор фаолиятлари умумлашмасини сақлаб қолишга интилишдан иборат. Шунга мувофиқ микрорайонларни режалаштириш 2–3 минг нафар аҳолига мўлжалланган катор турар-жой ҳосилаларини ўзида намоён этади. Улар турли қаватли турар-жой уйларида ташкил топган. Хонадон номенклатураси қайта қурилаётган ҳудуд аҳолисининг демографик тузилмасини таъминлайди. Маҳалла марказидаги бу бинолар хоналарини ўзгартириш барча зарурий жамоат тадбирларини ўтказишга имкон беради. Самарқанд, Бухоро, Фарғона, Нукус ва бошқа шаҳарларда ҳам ҳозирда ана шундай микрорайонлар қурилмоқда.

2.2. Сағбон, Қорасарой кўчалари қурилиши

Континентал миқёсдаги алоқалар макротизими унсури сифатида Тошкент ва Тошкент минтақаси транспорт-алоқа тизимини ривожлантиришга қуйидагилар киради:

- автомобиллаштириш даражаси кескин кўтарилганда узлуксиз ҳаракатнинг авто-транспорт оқимларини таъминлаш учун зарур шоҳроҳлар асосида шоҳроҳларнинг сифат жиҳатдан янги тармоғини босқичма-босқич шакллантириш;

- оммавий йўловчи транспорти, хусусан метрополитен ва тезюрар трамвай (шахсий автомобиллар оқимини пасайтириш воситаси сифатида) тизимини ривожлантириш ва сифатини ошириш, жамоат транспортига кенг йўл очиш (йўловчилар оқими 70 % дан кам бўлмаслиги керак);

– ташқи транспортни ривожлантириш, жумладан, янги халқаро аэропорт қуриш, Тошкент темир йўл тармоғини тўла электрлаштириб чиқиш, ички шаҳар темир йўли ва янги учинчи вокзал қуриш бўйича таклифлар.

Тарҳда ҳудуднинг муҳандислик таъминотининг барча турлари бўйича муҳандислик инфраструктурасини ривожлантириш, айти дама илмий-техник тараққиёт ва ресурсларни сақлаш технологиялари ютуқлари асосида мавжуд иншоотлар ва коммуникацияларни қайта тиклаш режалаштирилмоқда.

Бош режа лойиҳасини ривожлантириш учун иссиқ сув, газ билан таъминлаш ва телекоммуникацияларнинг соҳавий тарҳлари, шунингдек энг муҳим режавий қисмлар, жумладан шаҳар марказини муфассал режалаштириш лойиҳаси ва Тошкент эски шаҳар қисмини муфассал режалаштириш лойиҳаси ишлаб чиқилган эди.

Тошкент эски шаҳар қисмини муфассал режалаштириш лойиҳаси замонавий пойтахт шаҳар шароитида диний ва турар-жой меъморчилиги ёдгорликлари мавжуд “эски шаҳар” деб аталадиган тарихий жойнинг ўзига хослигини сақлаб қолиш мақсадида ишлаб чиқилган. Шаҳарнинг бу қисми учун аҳоли истиқоматининг, хусусан муҳандислик жиҳозланиши ва транспорт хизмати жиҳатидан замонавий андозаларни таъминлаш алоҳида вазифа ҳисобланади. Шу мақсадда асосий “ўқ” кўчаларни кенгайтириш ва қисман тўғирлаш, турар-жой уйлариининг айримларини қайта қуриш, ирригация тармоғини ўрнатиш, ҳудудни кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш таклиф этилган [31].

Тошкент тарихий қисмини қайта қуриш амалиёти сўнгги йилларда талай ишлар қилинганидан гувоҳлик беради. Жумладан “Эски Тошкент” ҳудудида кенг миқёсда маҳалла бўлиб яшаш тамойили тикланган. Шимоли-ғарб, Шаҳристон, Олмазор-Ўқчи, Қоратош, Кўкча ва ҳоказолар қайта қурилиб, гузарлар, маҳалла марказлари янгидан тикланди. Форобий-Чигатой, Сағбон, Қорасарой сингари шоҳроҳлар қайта қурилди, газлаштирилди, канализация тортилди ва телефонлаштирилди. Эски шаҳар ва Юнусободни боғловчи янги

йўл ва кўприklar қурилиши шу йўналишда транспорт ҳаракатини тезлаштирди ва тартибга солди.

2.3. Эски шаҳар қайта қурилиши: бозорлар ва унинг атрофлари, янги қурилган маҳаллалар

Тошкентнинг эски шаҳар ҳудудида бир қанча бозорлар мавжуд бўлган. Улардан бири **Ч о р с у б о з о р** и нафақат савдо, балки ҳунармандчилик маркази ҳам бўлган. Бозор бир хил моллар билан савдо қилувчи бозорча майдонлари ва ҳунармандлар растасларидан иборат бўлган. XX аср бошларида жами қирққа яқин **б о з о р ч а** в а **р а с т а** бўлган. Чунончи, Аллофлик, Каллабозор, Арпабозор, Бедабозор, Сомонбозор, Бордонбозор, Гиламбозор, Кийизбозор, Наматбозор, Кўрпабозор, Каттабозор, Кўмир сарой, Кулол бозор, Товоқбозор, Кўчатбозор, Мевабозор, Нонгузар, Сабзавот каби бозорча – майдонлар ҳамда Баззозлик, Читфурушлик, Бешикчилик, Вассабозор, Дукчилик, Заргарлик, Кончилик, Ромсозлик, Совунгарлик, Саррожлик, Саххофлик, Тунукачилик, Этикдўзлик, Мисгарлик, Чархчилик каби расталар бўлган.

Расталарнинг баъзилари усти берк (томи аввал тупроқ, кейин тунука) тим шаклида бўлган. Тим жазирама ёзда соя – салқинни таъминлаган. Қор – ёмғирда лойгарчиликдан асраган. Дўконлар одатда олди кўтариладиган, равонли синчкор хонадан иборат бўлиб, уларнинг умумий сони 4,5 мингга етган. Бозорда Чорсу ариғининг яқинида усти томли Дуккоша (Уккоша) булоғи бўлган. Кўп чойхона, ошхона, ҳаммомлар, жумладан Бадалмат ҳаммоми (ҳозирги «Чорсу» меҳмонхонаси ўрнида), ерлар учун Пушти ҳаммом (сақланган, Махсидўзлик кўчасида), хотин – кизлар учун бошқа Пушти ҳаммом (бузилиб кетган, Табиат музейига яқин бўлган) каби бинолар бозорнинг қиёфасини белгилаган эди. Ундан ташқари бу ерда карвон саройлар Хожи Малик карвонсаройи (Фаробий ва Сағбон кўчалари туташган

жойда), ҳинд карвон саройи (Жангоб ариғи бўйида) каби бинолар жойлашган эди.

Чорсу бозоридан ташқари шаҳарда бир хил моллар билан савдо қиладиган маҳсулоти бозорлар бўлган. Молбозор шаҳарнинг шимолий қисмида, қовунбозор Самарқанд дарвоза олдида жойлашган эди [35].

Иқтисодий-ислохотлар жараёнида бутун республика бўйлаб буюм ва деҳқон бозорлари қуриш ва қайта тиклаш муҳим омил бўлиб қолди. Бозор ҳар доим шарқона шаҳарни ташкил этувчи восита бўлиб келган.

Тарихий шаҳарлар Самарқанд, Бухоро, Тошкент ўзларининг ранг-баранг бозорлари билан шуҳрат қозонган. Бухоронинг йирик савдо мажмуалари Шаҳристон маркази мажмуини юзага келтирган. Бу Бухоронинг XV асрга оид йирик савдо растаси – Тоқи Заргарон бўлиб, кўпқуббали айвондан иборат, ёруғ ва ҳаводор. Бухородаги савдо иншоотлари асосий кўчалар чорраҳаларида жойлашган, чорраҳа-гузарлар ёқалаб асосан савдо расталари тизилиб кетган. Тошкент бозорлари ҳам машҳур, шулардан Эски Жўва эски шаҳар марказидан ўрин олган бўлиб, савдо йўллари кесишган тармоқ ҳисобланган.

Эски шаҳар бозори режаси – бир қисми ёпиқ кўча савдоларини юзага келтирувчи расталари бўлиб, Тошкент табиати ва иқлими хусусиятларини ҳисобга олган. Худди ичкаридаги каби бозор атрофида ҳам чойхоналар, устахоналар, темирчилар, сополчилар, заргарлар, тўқувчилар, гиламдўзлар, эгарчилар, дўппифурушлар ва карвонсаройларнинг кўп миқдорда бўлиши тарихий бозорларга хос хусусият саналади.

Иншоотнинг бу анъанавий намунаси Ўзбекистон мустақиллиги йилларида янгидан уйғонди. Республиканинг барча бозорлари қисқа муддат ичида қайта тикланди, кенгайтирилди ва ободонлаштирилди. Наманган шаҳрида уни Фарғона, Андижон, Марғилон, Қўқон ва бошқа шаҳарлар билан улайдиган Катта шохроҳ остонасида қурилган “Жаҳон бозори” (меъмор Н.Ғафуров, 1998–1999 йил) бозорлар барпо этиш анъаналарининг ворисий ривожланиши саналади. 20 гектар ерни эгаллаган бу усти ёпиқ бозор янги

қурилмалар ва қурилиш ашёлари қўлланган барча қулайликлар билан жиҳозланган.

Ўзбекистон қадимий шаҳарларини тартибга келтириш, қайта тиклаш ва ривожлантириш муаммоси шу йиллардаги зарурий вазифалардан бири эди.

Шаҳарнинг янги қисмини изга солиш лойиҳасидан (фуқаро муҳандислар Г. Бауэр ва Г.Сваричевский, 1924 й.) Тошкентни қайта режалаштириш тарихи бошланди. Лойиҳа ғояси мавжуд режа тарҳини сақлаб қолган ҳолда унга янги жамоат ҳудудлари, боғлари, хиёбонлари қўшиб, янги шаҳар маркази композициясини ривожлантиришдан иборат эди. Янги туманлар – вокзалолди майдони ва ярмарканинг собиқ ҳудудига катта эътибор берилди, бу ерларда ишчилар ўз ихтиёрлари билан қуриб олган уйлар бор эди. Лойиҳада шу туманлар уйлариининг ялпи ҳал этилиши кўзда тутилганди. Гарчи лойиҳа амалга ошмай қолган бўлса-да, аммо у кўчалар тарҳини ишлаб чиқиш, ҳудудни зоналарга бўлиш, тегишли гуруҳларга ажратиб, жамоат биноларининг янги намуналарини жойлаштириш учун асос бўлди [31].

Ишчиларнинг алоҳида минтақаларини қайта тиклаш ғояси Тошкентнинг янги шаҳар маҳаллий хўжалигини ободонлаштириш бўлимида тузилган бош режасида ривожлантирилди (Г.Сваричевский ва Л.Воронин раҳбарлиги остида, 1925 й.). Шаҳар марказини жиддий ўзгаришларсиз режалаштириш радиал-ҳалқа тизимини сақлаб қолган ҳолда муаллифлар вокзалорти қисмда янги маҳаллалар бунёд этишни таклиф қилдилар. Мазкур лойиҳа бўйича собиқ Тезиков дала ҳовлиси туманидаги илгари маҳаллий корчалонларга мансуб бўлган ерларда темир йўл ишчилари учун турар-жой маҳалласи бунёд этилганди. Қурилиш учун бир қаватли, икки уч хонали, ёзлик хоналари, озгина томорқа ери бўлган уйлар қўлланди.

Бўлим бўйича хулосалар

Хулоса қилганда,

- шаҳар ҳудуди қайта қурилишларида жойнинг ландшафти, табиатнинг ҳар бир унсури ҳисобга олинган;

- микрорайон режасида алоҳида турар-жой уйларини жойлаштиришга дунё мамлакатлари бўйлаб самарали мўлжаллаш ва турар-жой ва жамоат бинолари алмашиб келадиган қурилиш силсиласини вужудга келтириш асос қилиб олинган. Ансамбллик композицияда тик доминантлар қўлланилган;

- Тошкент марказий тумани ғарбий қисмида жойлашган М–26, М–27 микрорайонлари қиёфаси анча қизиқарли тарзда ечилган, уларнинг қурилиши Талабалар шаҳарчасини шаҳар маркази билан боғловчи тузилмавий шоҳроҳ (шимоли-ғарбий “нур”) – Беруний проспектини вужудга келтирган. Бу микрорайонлар йирик панелли икки тўрт ва тўққиз қаватли уйлардан ташкил топиб, уларда жимжимадор панжаралар кўринишидаги индустриал стационар қуёшқайтаргичдан кенг фойдаланилган, панжаралар гулдор безаклар билан безалган;

- автомобиллаштириш даражаси кескин кўтарилганда узлуксиз ҳаракатнинг авто-транспорт оқимларини таъминлаш учун зарур шоҳроҳлар асосида шоҳроҳларнинг сифат жиҳатдан янги тармоғини босқичма-босқич шакллантириш;

- оммавий йўловчи транспорти, хусусан метрополитен ва тезюрар трамвай (шахсий автомобиллар оқимини пасайтириш воситаси сифатида) тизимини ривожлантириш ва сифатини ошириш, жамоат транспортига кенг йўл очиш (йўловчилар оқими 70 % дан кам бўлмаслиги керак);

- ташқи транспортни ривожлантириш, жумладан, янги халқаро аэропорт қуриш, Тошкент темир йўл тармоғини тўла электрлаштириб чиқиш, ички шаҳар темир йўли ва янги учинчи вокзал қуриш бўйича таклифлар;

- Эски шаҳар бозорлари режасида Тошкент табиати ва иқлими хусусиятлари ҳисобга олинган. Бозор атрофида чойхоналар, устахоналар, темирчилар, сополчилар, заргарлар, тўқувчилар, гиламдўзлар, эгарчилар, дўппифурушлар ва карвонсаройларнинг кўп миқдорда бўлиши тарихий бозорларга хос хусусиятдир.

III-бўлим. МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА ТОШКЕНТНИНГ СОБИҚ МАРКАЗИЙ ҚИСМИ БЎЛГАН ЭСКИ ШАҲАРНИНГ ҚАЙТА ҚУРИЛИШИ

3.1. Эски шаҳарни қайта қуриш бўйича режалаштирилган ишлар (М-25, 26 мавзеларининг замонавий кўриниши)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 30 августдаги ПҚ-165 сонли қарори билан тасдиқланган “Дастур” асосида 2005-2009 йилларда 31 та шаҳар аҳоли ҳудудларининг бош режалари ижроси таъминланди.

Шаҳарсозликка тегишли ҳужжат ва қонунларни тузишда ва амалда татбиқ этишда олимлар ҳам ўз илмий изланишлари билан фаол иштирок этмоқдалар. Масалан, Тошкент архитектура-қурилиш институти шаҳарсозлик ва ландшафт архитектураси кафедрасида проф. Д.Латипов бошчилигида республикадаги етук шаҳарсоз мутахассислар (“Ўзшаҳарсозлик ЛИТИ”, “Тошбошплан” ва ҳ.к.) жалб этилган ҳолда “Ўзбекистоннинг янги ижтимоий-иқтисодий шаклланиш шароитида шаҳарсозликнинг ривожланиш концепцияси” ишлаб чиқилди. Бу муҳим дастур 2001 йил сентябр ойида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қошидаги республика архитектура ва шаҳарсозлик нуфузли кенгашида тасдиқланганлиги қувонарли ҳақиқатдир.

Концепциянинг асосий йўналиши - шаҳар ва қишлоқларимиз ривожини комплекс равишда илмий асосда янги ижтимоий-иқтисодий шаклланиш даврида жаҳон андозалари даражасида лойиҳалаш ва қуриш, халқимизнинг яшаш шароитларини тубдан яхшилаш, шаҳарларимиз истиқболли бош лойиҳаларини қайта тузиш ва таъмирлаш каби долзарб муаммоларни ечиш йўллари кўрсатишдир.

Серқуёш диёримиз харитасида жойлашган Самарқанд, Бухоро, Хива, Шаҳрисабз, Қарши, Термиз, Қўқон, Марғилон, Тошкент каби кўҳна, Навоий, Зарафшон, Чирчиқ, Олмалиқ каби янги шаҳарлар билан қанча фахрлансак

арзийди. Агар 1926 йил Ўзбекистонда фақатгина иккита катта шаҳар - Тошкент ва Самарқанд бўлган бўлса, ҳозирги кунда уларнинг сони ўн еттитага етди. Умуман, мамлакатимизда 121 та шаҳар ва 113 та шаҳар типигаги посёлкалар мавжуд [31].

Шаҳарлар қиёфасининг ўзгариб, замонавийлик касб этишида Ўзбекистон шаҳарсозлик лойиҳалаш ва илмий-текшириш институти ва “Тошбошплан” мутахассисларининг салмоқли ҳиссаси яққол кўзга ташланади. Шаҳарлар меъморлар яратган бош планлар асосида қурилиб, уларнинг марказлари замонавий йирик жамоат бинолари, боғ-роғлар, ансамбллар мажмуини ташкил этмоқда.

3.2. Эски турар жойлардаги ўзгаришлар: ҳаёт тарзи, яхшиланиш даражаси (коммуникация ва газификация)

Бугунги кунда Ўзбекистон янги ва эски шаҳарларининг турар-жой муҳити такомиллашиб бормоқда. Янги хилдаги турар-жой уйлари, гузарлар, маҳалла марказлари бунёд этилди. XX аасрнинг 60–80 йиларида бунёд этилган туманлар турар-жой ҳудудларида улкан ободонлаштириш ишлари кулоч ёйди, улар янгиланмоқда, сувлар чиқарилмоқда, кўкаламзорлаштирилмоқда, болалар ва спорт майдончалари ва майда меъморий шакл намуналари билан жиҳозланмоқда. Муҳандислик коммуникациялари қайта қурилмоқда.

Эски шаҳарни реконструкциялашни амалга оширишда йўл-транспорт тизимларининг ҳозирги аҳволи, шунингдек турар жой массивларининг ичимлик суви билан таъминланиш даражаси, канализация хизматлари, иссиқлик ва электр энергиясининг замонавий талаблар ва шаҳарсозлик ҳамда санитария меъёрларига мувофиқлиги инобатга олинади. Асосий эътибор миллий меъморчиликнинг ўзига хосликлари ва анъаналари, тарихий ва меъморий ёдгорликларнинг сақланишига қаратилади. Бу муҳим йўналишлар бутун Тошкентни замонавий шаҳарсозлик меъёрлари асосида

ривожлантириш ва ободонлантириш Дастури лойиҳаси учун асос бўлиб хизмат қилди. Ушбу дастур 2020 йилгача босқичли асосда амалга оширилади.

Ўзбекистон- қадим цивилизация, бой маданий мерос ва юксак меъморий анъаналар мамлакати.

Ўзбек ери ўзининг узоқ ва шонли тарихи давомида кўплаб воқеаларни бошдан кечирди. Бу -қудратли империялар урушлари, цивилизацияларнинг юксалиши ва тушкунлиги, халқларнинг бир жойдан бошқа жойга кўчиши, илмий тафаккурнинг довуғи, меъморчилик мўъжизалари. Ўзбекистоннинг бой ўтмиши қадим меъморчилик ёдгорликларида сақланган, уларнинг кўпи фақат миллий эмас, дунё аҳамиятига эга бўлган бойлик сифатида эътироф этилган. Меъморий иншоотларда мужассамлашган инсоният тарихи ўз авлодларига асрлар оша етиб келган. Ҳануз Ўзбекистон ёдгорликлари кишиларни ўз улуғворлиги ва ҳашамати билан ҳайратда қолдиради, қадим меъморларнинг маҳорати ва истеъдоди билан ажаблантиради. Ҳар бир давлат ҳам сайёҳлар нигоҳида бунчалик кўп қадим меъморий ёдгорликларини намоён қила олмайди. Агар яхлитликда олиб қаралса, замонавий Ўзбекистон ҳуждудида кўпгина ёдгорликлар кўп асрлик тарихга эгадир. Бу нозик ёдгорликлар вайроналикка юз тутган. Ҳозирги вақтда кўпгина бадий бойликлар йўқ бўлиб кетган ва тадқиқот ишида улкан имкониятлар эътиборсиз қолдирилган. Аммо охириги йилларда тўпланган кўпинча нотўлиқ материаллар ҳам рассомнинг нозик дидини, улкан ижодкорлиги ва истеъдодини кўрсатади.

Маданият ёдгорликлари -бу ҳар бир давлатнинг белгили кўринишидир. Тарихий мерос нуқтаи назаридан Ўзбекистон фақат минтақада эмас, балки бутун дунёдаги энг машҳур давлатлардан бири ҳисобланади. Биз Марказий Осиё цивилизацияси маънавий меросининг бир парчасинигина- Ўзбекистон тарихий шаҳарлари қадим маданият ёдгорликларини намоён қилишга мушарраф бўламиз. Вақт биз учун ажиб Бухоро, мовий гумбазлар қад ростлаган Самарқанд ва миноралари билан қуёшга интилган Хиванинг ўрта

асрлар меъморчилигининг ноёб дунёсини сақлаб келди. Келажак олдида бизнинг жавобгарлигимиз катта ва шунинг учун биз бугун инсоният цивилизациясининг ҳамма ютуқларини кейинги авлод учун сақлашга кўлимиздан келганча ҳаракат қилишимиз лозим. Ўзбекистон қадим цивилизация, бой маданий мерос ва юксак меъморий анъаналар мамлакати. Кейинги йилларда қайд қилишга эришилган ёдгорликлар унчалик қониқарли сақланмаган: кўпинча бинолар вайронагарчиликка учраган ва қайта қурилган, уларнинг дастлабки кўринишини тиклашнинг имкони йўқ, баъзида эса биз фақат аҳамиятсиз омон қолган бўлақлар билангина қифояланишга мажбурмиз. Аммо бу ажойиб санъатнинг деталлари ҳам, тарқоқ бўлақлари ҳам катта қизиқиш уйғотади ва бу санъат ҳақида тўлиқроқ тасаввур ҳосил қилиш ва жамлаш учун сидқидилдан ва бардош билан биз уларни йиғамиз.

Ҳар бир тарихий объектнинг муҳимлиги шундаки, у такрорланмас ўзининг аниқ кўринишига эга, шу билан ҳам хоҳ бадиий дурдона бўлсин ёки ялпи қурилишнинг оддий объекти бўлсин, ўзига нисбатан қизиқиш уйғотади. Албатта, яна доим гўзалликни ташкил этувчи экзотик яхлитлик тушунчаси ҳам мавжуд, айнан шу билан ҳайратланарли ва шу нарсани авайлашимиз керак. Даврлар алмашинуви тарихий вазиятга ўз ўзгаришларини олиб киради, масалан, фақат алоҳида объектларни эмас, балки бутун бир шаҳарларни ҳам ва ҳатто маданиятларни ҳам йўқ қилувчи ҳалокатли урушлар юз беради. Аммо йўқ қилиш жамиятнинг қайта ишлаб чиқарувчи кучларининг жадал ривожига ҳимоясиз тарихий ўтмишни қисиб боради ва уни янгироқ ютуқлар билан алмаштиради. Бу ҳолда жамиятнинг ижтимоий ғояси орқада қолади ва шунингдек ўрнини тўлдириб бўлмайдиган йўқотишлар юз беради. Энди кўпинча “ўтмишсиз келажак йўқ” деб такрорлайдилар. Инсон гўзалликнинг яратувчиси, балки вайрон қилувчиси ҳам бўлиши мумкин. Инсон фаолияти қурилиш тараққиёти билан бирга бу соҳада ижобий ва салбий тенденцияларни келтириб чиқаради, мутахассислар буни кўришлари, назорат қилишлари ва жараёни бошқаришлари муҳим.

Ривожланишнинг тўғри йўли доимо тарихий ўтмишнинг салбий омиллари рад этади, агар айтайлик, шаҳарсозлик фаолиятида ўтмиш давлар қурилмаларининг функционалиги ва қулайлиги бизни бугунги кунда қониқтирмаса, биз улардан воз кечамиз. Меъморчилик фанида бундай ёндошув ноўрин. Бутун тарихий зонани сақлаб қолиш керак. Ва йўқотилган ҳажмий- фазовий, композицион-бадий афзалликлар ва бутун тарихий-шаҳарсозлик меросини тиклаш йўлидан бориш керак.

Фақат тарихий ёдгорликларни эмас, унга тегишли атроф ерларни, замин, муҳитни ҳам сақлаб қолиш керак. Аммо масаланинг бундай қўйилиши фаол амалиётчиларда фақат эътироз туғдириб қолмай, балки қаршилиқни ҳам юзага келтиради. Ва бунга қаршиларнинг, рақиблар (қарши томон)нинг асосий жиддий вазлари шунга қаратиладики, замонавий урбанизацияда тарихий объектлар янги “бегона” бинолар билан “аъло даражада” ёнма-ён мавжуд бўлган кўплаб намуналар бор. Ҳа, бундай намуналар бизда бор, аммо бу муваффақиятсиз намуналар совет ҳукуматининг турғунлик давларида яратилган. “Ўз даврининг гўзалликлари”ни излашда меъморлар меъморчиликда тарихий анъаналарни ҳам, миллий афзалликларни ҳам эътиборга олмадилар. Тарихий зоналарга тарихий муҳитни ўзгартирувчи, нисбат ва масштаблилиқни бузувчи улкан катталиқдаги жамоат бино ва иншоотлари киритилди. Ўтмишнинг қадимги ёдгорликлари “бегона элементлар” қуршовида ўз маҳобатлилиги ва бадий-декоратив сифатларини йўқотган. Масалан, Ўзбекистоннинг қадим шаҳарларидан бирида, Самарқандда, дунёга машҳур Регистон мажмуаси атрофидаги тарихий муҳит улкан катталиқдаги янги қурилмалар билан тўлдирилган: ҳозирги кунгача сақланган кўп қаватли уйлар, мактаб, яқинда бузиб ташланган музей бинолари ва кинотеатр ҳамда катта ресторан бинолари билан. Қадимги муҳитни дастлабки кўринишда тиклашнинг имкони йўқ. Ахир у ажойиб ранг-баранг пластик бинолардан иборат эди, шу туфайли қадимги маҳобатли ёдгорликларнинг ифодавийлиги ўзига жалб қиларди.

Шундай қилиб Ўзбекистон шаҳарларидаги эски шаҳар қисмининг мунтазам ва бирин-кетин вайрон бўлаётган анъанавий муҳити қадим шаҳарларнинг тарихийлиги ва анъанавий услубини йўқотиб, кризис ҳолатига яқинлашиб қолган.

Меъморчиликнинг дунё миқёсидаги тарихий дурдоналарини ўраб турувчи тарихий муҳитнинг йўқолиши буларнинг инсонга бадиий-композицион таъсирини фақатгина пасайтириб қолмай, балки қатор ҳолларда янги бинолар муҳитида уларни оддий объектлар қаторига киритиб қўйди. Энг кўрқинчлиси, бу жараёнда бадиийлик феномени йўқолади, шундай экан, миллий меъморчилик қизиқишлари ҳам. Ўтмишнинг гўзал иншоотлари қатор ҳолларда “сунъий декорациялар” қиёфасини олиб, замонавий бинолар хуснини бузади [31].

Тарихий меросни яхши сақлаш муаммоси энг аввало шунинг учун муҳимки, тарихий шаҳарларда ўзлаштирилиб бўлган, етарлича каттагина ҳудудлар билан иш кўришга тўғри келади, шаҳар эса, ундаги яшаб келаётган одамлар билан- доимо мураккаб организм. Эскирган биноларнинг энг оммавий кўриниши – бу, тарихий зоналардаги қурилиш материалларининг чидамсизлиги, ҳал қилинмаган техник-муҳандислик вазифалари, қулайлик ва хизмат кўрсатишнинг етишмаслиги ва замонавий жиҳатдан биноларнинг тиғизлиги сабабли жисмонан сақлаб қолиш мумкин бўлмаган турар жойлардир. Шундай экан, тарихий районларда оммавий турар жойлар қурилиши муаммосини ҳал этилса, ижтимоий вазифадаги ҳар қандай тарихий ноёб мажмуалар муаммоси ҳам ҳал этилади. Бу ҳолда энг муҳим шартни ажратиш зарур: тарихан юзага келган композицион-бадиий шаҳарсозлик образини, бир типли лой-сомонли турар жой биносининг ёрқин кошинкор тошлар, мозаика, майолика билан безатилган, характери бўйича маҳобатли жамоат бинолари- ўтмиш ёдгорликларига нисбатан ўзаро муносабатини сақлаш ёки тиклаш зарурати.

Бинобарин, шаҳар “тарихий негизи”-бу турли сатҳли тузилишли майдон. Ва бу тузилишнинг элементларидан бири, ваҳоланки энг оммавий,

юқорида эслатиб ўтилган анъанавий бир типли ялпи турар жой биноларидир. Айнан ялпи бинолар кейинчалик ўтмиш ёдгорликларининг асосий ва ажралиб турувчи жамоат бинолари қўшилиб кетадиган шаҳар тузилишини шакллантиради. Эндиликда шундай ҳолат юзага келдики, тарихий шаҳарлардаги ялпи бинолар шаҳарсозлик тузилишининг асосий “тарихий элементи” сифатида ҳимоясиз бўлиб қолди, бу эса миллий-маданий ҳарактер кадр-қимматини бузувчи салбий оқибатларга олиб келиши мумкин ва олиб келяпти ҳам.

Бахтимизга, Ўзбекистонда охириги икки ўн йилликда бирин-кетин илмий асос мустаҳкамланяпти, асосини меъморий лойиҳалашнинг таҳлилий таркиби ташкил этган ўнлаб диссертациялар ҳимоя қилинди. Яъни, лойиҳалашдан олдин бажариладиган бақувват таҳлилий комплекс яратилди, у тарихий муҳитни қандай бўлса, турли тенденция ва янги шаҳарсозлик хусусиятларини намоён қилувчи социологик маълумотлар қатор тадқиқотларини ҳам худди шундай ўз ичига олади. Бундай тадқиқотларнинг борлиги тарихий муҳитни вайрон қилувчи объектлар- кўп жихатдан маҳаллий тажрибага ва тарихий қурилиш анъаналарига зид бўлган бетон бинолар, уларнинг фасадларида ойнанинг кўплиги, кўп қаватли сатҳлардан озод бўлишга олиб келади. Бундай ривожланишда муҳитнинг шаҳарсозлик тузилиши ва ундаги объектлар ривожининг яхлит ва қонуний лойиҳасига тўлиқ эга бўлиш мумкин. Бундай ёндошув тарихий анъаналарнинг талаб ва меъёрларига мувофиқ келувчи жўяли объектларнинг пайдо бўлиши учун шароит яратади ва яхлит биноларнинг ўзгарган негизини тиклайди.

Анъанавий турар жой яхлит биноларнинг асосий ҳажми ҳисобланади. Анъанавий халқ турар жойининг турли жихатларини тадқиқ қилиш- Ўзбекистон меъморчилиқ тарихи ва амалий-декоратив санъатнинг қизик саҳифаларидан биридир.

Бизнинг кунларгача XVII-XX асрлар турар жой меъморчилигининг кўплаб юксак бадиий образлари етиб келган, уларда Самарқанд, Бухоро, Хива, Тошкент, Фарғона ва Шаҳрисабз меъморчилиги хусусиятлари

муҳассамлашган. У ёки бу шаҳарда юзага келган ҳар бир мактаб функционал-планировка ечимлари, интерьер ва экстерьерларнинг декоратив безаклари, турар жойлар ҳовлиларининг ободонлашуви шаклланишида ўзига хос ёндошувлар намунасини беради.

Тарихий шаҳарнинг тарихий-маданий ва шаҳарсозлик меросини сақлаш зарурати унинг реконструкциясининг алоҳида тартиби талабини илгари суради. Аммо тарихий марказий ўзакни шаҳарсозлик маданиятининг яхлит ва ягона ёдгорлиги сифатида қараб чиқишни ўз ичига олган шаҳарсозлик меросини бутун шаҳар комплекси ҳажмида муҳофаза қилиш муаммоси –бу тарихий-маданий меросни сақлаш бўйича фаолият соҳасида нисбатан янги жиҳатдир.

Маълумки, тарихий-маданий бойликларнинг муҳофаза қилиш масалалари XX аср бошидаёқ қизиқиш доирасида бўлган. Аммо, шунга қарамай, бу соҳада моддий даража ва маданиятнинг умумий кўтарилиши билан бир қаторда илмий қарашларнинг ривожига сабаблигина меъморий меросни муҳофаза қилиш ишида янги омил-комплекслик, шаҳарсозлик мажмуаси элементлари ўзаро алоқаларининг мураккаб системасини қайд этиш пайдо бўлди.

Ҳозирги вақтда шаҳар тарихий-меъморий меросини муҳофаза қилиш масалаларига энг аввало ўз вақтининг қонун чиқарувчи ҳужжатларида намоён бўлган айнан комплекс ёндошув тенденцияларининг юзага келиши ва ривожини кузатиш қизиқ.

3.3. Тошкент шаҳри замонавий кўриниши. Амалий ишлар

Тошкентдаги ҳукумат маркази (ҳозирда Мустақиллик майдони)ни қайта қуриш лойиҳасига ўтказилган 1946 йилги танлов дастлабки урушдан кейинги йиллар шаҳарсозлиги соҳасидаги меъморларнинг ижодий фикрини яққол намоён этади. Танловга тақдим этилган лойиҳаларда у ёки бу даражада Ўрта Осиёнинг ўрта аср ёдгорлик меъморчилиги тимсоллари қайта тикланди

(В.Архангельский, А.Петелин, А. Сидоров, Е. Катонин ва В.Кокорин). Бошқа муаллифлар (А.Бобохонов, В.Волчек, С.Полупанов) мумтоз ва миллий анъаналарни, ўзбек миллий меъморчилигидан олинган устунлар, равоқларни уйғунлаштириб юборишга ҳаракат қилдилар. Лойиҳалардан биттаси ҳам қабул қилинмади ва қайта қуриш лойиҳасини бундан кейин ишлаб чиқиш А.Бобохонов, В.Волчек ва С.Полупановга (натижада муаллифлар жамоаси биринчи мукофот билан тақдирланган эди) топширилди. Ҳукумат бинолари атрофида ерларга сув чиқариш йўли билан уни Мустақиллик майдонида улкан ҳавза кўринишида кенгайтириш муаммоси ажойиб тарзда ҳал этилди. Аммо у вақтда етарли маблағлар, техник имкониятлар ва бошқа шароитлар йўқ эди, бунинг натижасида лойиҳа амалга ошмай қолиб кетди.

1954 йилги Тошкентни қайта қуриш бош режасида майдон 1938 йилги қайта қуриш режасида қайд этилган чегараларни (бироз ўзгартириш киритилган ҳолда) сақлаб қолди [31].

Асосий композицион негиз сифатида Ўзбекистон Ҳукумат уйи бўлган мавжуд майдон сақлаб қолинганди. Бунда шаҳар марказининг барча олдинги лойиҳаларидан фарқли ўлароқ Ҳукумат уйида фақат Олий Кенгашнинг эмас, балки Ўзбекистон Ҳукумати биноларини ҳам жойлаштириш мўлжал қилинганди.

Ҳукумат муассасалари мажмуи икки П-симон режа кўринишида ҳал этилганди, улар Ўзбекистон Вазирлар маҳкамаси учун мўлжалланган ва мавжуд Ҳукумат уйи биноси билан бирлаштирилганди. Бутун композиция Сайилгоҳ кўчаси ўқи бўйлаб мавжуд бино томонга қаратиб қурилган баланд минорали ҳажм билан ниҳоясига етказилган.

Фавворалар, сунъий ҳовузлар шаҳар ер усти тузилишидаги зарурий унсурлар бўлиб қолган. Комсомол (ҳозирда Миллий боғ) кўл боғидан кейин Човли ариғи атрофида сунъий ҳовузли Ғалаба (ҳозирда Аквапарк) боғи барпо этилган, (меъморлар М.Булатов ва А.Мухамедшин), Тошкент шароитида у микроиклимни соғломлаштиришда катта аҳамият касб этади.

Бухоро, Самарқанд ва республикамизнинг бошқа шаҳарлари ҳам қайта курила бошлади. Самарқанд бош режасида кўхна ёдгорликларнинг замонавий шаҳар тузилишига киритилиши тарихий Регистон, Биби Хоним, Шоҳи Зинда ва бошқа меъморчилик биноларини режавий алоҳида қилиб қўйиш йўли билан амалга оширилди.

XX асрнинг 50-йиллари ўртасидан бошлаб Ўзбекистон меъморчилиги ва шаҳарсозлигида янги йўналиш бошланди – кўчаларда турар-жой ва жамоат биноларини дона-дона саф тортиб қуриш ўрнига “эркин режа” усули расм бўлди. Бундан ташқари Ўзбекистон шаҳарларининг аҳолиси нуфуси йилдан йилга ортиб бормокда. 1959 йилдаги аҳолини рўйхатга олишда Тошкентда 912 минг нафар одам бўлган, бу 1954 йилдаги бош режада тахмин қилинганидан 112 минг нафар кўп эди. Мазкур ҳолат, боғ-роғли ҳудудларни ташкил этишнинг янги тамойиллари, техника ва қурилиш индустриясининг ривожланиши бу бош режани қайта ишлаб чиқиш заруриятини келтириб чиқарди. Тошкент бош режаси янги нусхасининг асосий қоидаларида шаҳар ва шаҳаролди минтақасини ягона яхлит жисм сифатида қараш ғояси илгари сурилди. Шаҳарнинг тахминий нуфуси 1,2 миллион деб олинди, аҳоли нуфусининг ошиши янги саноат корхоналарини қуришни таққлаш (озиқ-овқат ва қурилиш саноатлари бундан мустасно) қатор саноат корхоналарини, шунингдек ўқув юртлари ва бошқа ташкилотларни санитария ва шаҳарсозлик нуқтаи назаридан шаҳар ташқарисига олиб чиқиш йўли билан чекланадиган бўлди.

Бош режада аҳоли турар-жой майдонини ривожлантириш, жумладан 1980 йилга келиб киши бошига 12 кв.м. ва 2000 йилда 15 кв.м.гача кўзда тутилганди; шаҳар турар-жой уйлари қурилишида: тўққиз қаватлилари-43 фоиз, тўрт қаватлилари – 80 фоиз, бир-икки қаватлилари – 7 фоиз бўлиши керак эди.

Ҳаёт, хусусан турар-жой қурилишида бу режанинг тўғри эмаслигини кўрсатди. Бунинг устига зилзила оқибатлари 1966 йилги тасдиқланган бош

режани қаватлилик нисбати ва уйлар зичлигини камайтириш нуктаи назаридан қайта кўриб чиқилишига сабаб бўлди.

1972 йилда Тошбошрежа институти (меъмор Ю.Пурецкий Тошкент вилоятининг туман режаси тарҳини ишлаб чиққанди, унда шаҳарни ривожлантиришни бошқариш масалалари одамлар яшайдиган жойларнинг гурухли тизимини шакллантириш тизимида қараб чиқилган [8].

Тошкент ва унинг атрофининг ўзаро боғлиқлиги ишлаб чиқариш алоқаларида намоён бўлувчи саноат ишлаб чиқариши фаолиятида, шаҳарни хом-ашё ва озиқ-овқат билан таъминлашда фойдаланиладиган ҳудудлар белгилаб берувчи қишлоқ хўжалик таъминотида, мунтазам оммавий дам олиш минтақаларини қамраб олувчи шифоланиш фаолиятида, мавжуд ҳудудий тақсимот билан қонунийлаштирилган, маданий-маърифий, таълимий ва маъмурий фаолиятда намоён бўлади. Шаҳарни кенг ташкил этишда асосий эътибор ҳудудни режа асосида шакллантиришга – шаҳар ҳудуди ўсишига мувофиқ тарзда умумшаҳар тузилмавий шохроҳларни, жамоат марказларини ривожлантиришга қаратилади. Шаҳарнинг тарихан вужудга келган асосий жойлари: Пушкин, Беруний, Усмон Носир кўчалари композицион мукамаллик касб этиб, хийла ривожланди, улар шаҳарнинг асосий дов-дарахтли ва ишлаб чиқариш минтақаларини умумшаҳар маркази билан боғлаб туради. Сифат жиҳатидан янги тезюрар ва мунтазам ҳаракатли шохроҳ тизимлари шакллана бошлайди. Ушбу турдаги шохроҳларнинг дастлабки намуналари Халқлар Дўстлиги (ҳозирги Бунёдкор) Фурқат, Аҳмад Дониш, Қодирий кўчалари бўлди, улар шаҳарнинг йирик режавий минтақаларини ўзаро ва умумшаҳар маркази билан туташтириб туради.

Тошкент маркази – шаҳарни ривожлантиришнинг биринчи ўриндаги иншооти. Бу ерда шаҳар марказий қисмини қуриш лойиҳасига ўтказилган танлов муҳим рол ўйнади (1964 йил), унда Ўзбекистон меъморлари – Тошгипрогор институтида ишлаб чиқилган, лойиҳа муаллифларининг юксак маҳорати таъкидлаб ўтилганди. Якуний вариантни Тошгипрогор ва шаҳарсозлик ЦНИИПнинг бирлашган кучлари ишлаб чиқди. Муаллифлар

жамоаси марказий туманнинг олдинги лойиҳа таклифларига хос одатдаги симметрик ўқли композицион тузилишдан воз кечди. Ишланаётган лойиҳада марказнинг носимметрик тузилмаси кўзда тутилган, бунга Навоий кўчасининг ётқизилиши асос бўлган. Тошкент марказий қисмининг асосида эски ва янги шаҳарнинг тарихан вужудга келган икки марказни меъморий режавий воситалар билан бирлаштириш ғояси ётади, бунда кенг хиёбон композицион ўқни ташкил этади. Шаҳар каналларига туташ яшил майдончалар умумшаҳар марказининг асосий унсурларидан бири ҳисобланади. Узунасига марказни кенг яёв юриладиган эспланада (160 метргача) кесиб ўтади, у Истиклол ва Сайилгоҳ кўчалари оралиғида жойлашган бўлиб, унинг ҳудудида алоҳида мажмуалар ўрин олган. Амалга ошириш учун қабул қилинган лойиҳага довр асосий майдонни қайта қуриш нусхаларини ишлаб чиқиш 70–80 йиллар ўзбек меъморчилигининг ижодий йўналишини изохлайди. Майдон кўпўқли кенглик композицияси сифатида ҳал этилган, бинолар эркин тарзда носимметрик жойлашган бу майдон жанубдан шимолга томон чўзилган. Мажмуа меъморчилиги узунлиги ва баландлиги бўйича хилма-хил, услубий ва миқёсий бирликка эга бинолар билан тўла. Пойида узун ҳовуз ястанган ва сонсиз фавворалар отилиб турган баланд айвонли майдонни қоқ иккига бўлиб, композициянинг умумий жўшқинлигини намоён этиб туради.

Тошкентни ривожлантириш қурилишнинг бош режаси бўйича силсилавий майдонлар тизими марказнинг айрим мажмуаларини шаҳар жануби-ғарбий қисмининг обод туманлари билан композицион алоқасини вужудга келтиради. Фурқат, Ўзбекистон кўчалари ва Истиклол проспекти чорраҳасида жойлашган Истиклол майдони, жумладан, худди шундай аҳамиятга эга. У Яккасарой, Шайхонтоҳур ва Чилонзор туманларини шаҳар маркази билан боғлаб, йирик нақлиёт тармоғи ҳисобланади. Бошқа майдонлардан фарқли ўлароқ Истиклол майдони (1980 йил, Е.Розанов раҳбарлигидаги меъморлар гуруҳи) ва 9–12 қаватли каркас панелли турар-

жой бинолари қад кўтарган, йирик ихтисослашган савдо ва умумий овқатланиш корхоналари саф тортган.

Истиклол ва Хадра майдонларини ўзаро бирлаштириб турган йўл марказ учун энг муҳим шаҳарсозлик аҳамиятига эга. Улар оралиғидаги масофа – бу марказ негизининг кенглиги бўлиб, Амир Темур хиёбонидан тортиб Чорсу майдонигача чўзилган.

Афсуски, марказнинг барча майдонлари транспорт воситалари билан тўлиб-тошган бўлиб, меъморий-бадий эмас, балки шаҳарнинг муҳим шаҳарсозлик тармоқлари ҳисобланади.

Мустақиллик йилларидаги кенг миқёсли шаҳарсозлик тадбирлари туфайли тарихий шаҳарлар марказларини тиклаш ва реконструкциялаш янгича моҳият касб этди. 1980-2008 йиллар давомида бизда шаҳар марказлари-қўриқхоналар (Бухоро, Самарқанд: 1988 йилдаги қўриқхоналар, Хива: 1983 йилдаги музей-қўриқхона, Шахрисабзда-1996 йил, Қаршида-2006 йил, Қўқонда-2005 йил ва бошқалар) пайдо бўлди.

Мустақиллик йилларида маънавият, санъат, маданият ва маърифат ривожига, маданият соҳасини ислоҳ қилишга, унинг ижтимоий ва тарбиявий ролини оширишни таъминлашга йўналтирилган қатор муҳим давлат ва ҳукумат ҳужжатлари қабул қилинди. Маданий қурилиш соҳасида стратегик йўналишлар ва аниқ вазифалар белгиланди.

Ривожланиш жараёни меросни муҳофаза қилиш соҳасида янги таклифларни келтириб чиқаради. Ва бу ерда Ўзбекистон давлат сиёсати бир маъноли- моддий меросни фақат номоддий ва маънавий асосда, фақат мавжуд бўлган маданий ландшафт негизида англаш мумкин. Бу Ўзбекистоннинг 2001 йил августида давлат Олий Мажлиси (Парламенти) томонидан қабул қилинган “Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш, сақлаш ва улардан фойдаланиш ҳақида”ги янги қонунида ўз ифодасини топган. Бу қонун доирасида моддий маданият ёдгорликлари сифатида уларни сақлаб қолиш, таъмирлаш, консервация қилиш ва улардан фойдаланиш бўйича ҳамма масалалар тартибга солинади. Ўзбекистонда ҳар йили тарихий

ёдгорликлар муҳофазасига қўшимча, бизнинг улуғ аجدодларимиз- Имом Бухорий, Аҳмад Фарғоний, Алпомиш, Мангуберди, Мансур Мотурудий, Бурхониддин Марғиноний ва бошқаларга бағишланган меъморий мажмуалар яратилади.

Шунингдек Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 49 бўлимида (X1 Бобнинг иккинчи қисми) гражданлар Ўзбекистон халқи тарихий, маънавий ва маданий меросини асраб-авайлашга мажбурликлари айтилади. Маданият ёдгорликлари ҳукумат томонидан муҳофаза қилинади.

Охирги ўн йилликлар шаҳарсозлик амалиёти шуни кўрсатдики, ўрта асрлар ва классик меъморчилик дурдоналари фақат сақланиб қолмай, янги мажмуаларни шакллантирувчи бинолар сифатида фойдаланилган шаҳарлар ўзига хос гўзал манзараларга эгадир. Пировардида бундай юксак бадиий мажмуалар қадрдон шаҳарга, унинг тарихига нисбатан меҳрни кучайтиради ва шу билан юксак ватанпарварлик туйғусини тарбиялайдилар.

Республикаимизнинг ҳар бир граждани олдида турган вазифа, келажак авлод учун бу ёдгорликларни сақлашдан иборатдир. Бу бойликни сақлаш, уни ўрганиш, илмий ва маданий жамоатчиликнинг мулкига айлантириш-тадқиқотимизнинг муҳим вазифаси ва асосий мақсадидир.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов раҳбарлиги остида мамлакатимиз шаҳар ва қишлоқларини меъморий-шаҳарсозлик жиҳатидан янгилашда муҳим ишлар амалга оширилди.

Ўзбекистон ривожининг янги социал-иқтисодий шароитлари социал муаммолар комплекси ва уларни ҳал этиш йўлларини янгича фикрлаш вазифасини қўйди. Биринчи галдаги жиҳатларга энг аввало яшаш муҳитини экологик ва эстетик соғломлаштириш, аҳолининг яшаш шароитлари ва хизмат кўрсатишни яхшилаш киради.

Ўзбекистон Республикаси ҳукумати диққат-эътибори марказида аҳолининг турмуш даражасини ошириш ва биринчи галда уни турар жой билан таъминлаш муаммоси алоҳида ўрин эгаллайди. Республика

мустақиллиги эълон қилинганининг биринчи йилларидан унинг аҳолисига хусусий уй-жой қурилиши учун ўн минглаб ер участкаси ажратиб берилган. Кўплаб қурилишлар узоқ муддатли кредитлар, шунингдек зарур хом ашё ва маҳсулотлар билан таъминланган.

Тарихий муҳитни янгилаш Тошкент мисолида Мустақил Ўзбекистоннинг “эски” шаҳар ҳаёти билан муносабатидаги янги, инсоний сиёсатининг ёрқин намунаси бўлиб хизмат қилади. Эски шаҳар аҳолисини унинг янги бинолари чегарасида жойлаштириш; аҳоли социал-демографик тузилишини сақлаш; маҳалла ижтимоий ҳаёти принципларини тиклаш; эски шаҳар ҳудудини ўз-ўзини ташкиллаштириш принципи бўйича замонавий эксплуатация қилиш; янги магистрал тизимлар ва шаҳар муассасалари қурилиши методикасини ишлаб чиқиш вазифалари қўйилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов айниқса мавжуд эски тарихий бинолар ҳамда шаклланаётган янги турар жой районларида тўлақонли ҳаётини муҳит яратишдаги уларнинг муҳандислик, социал-маданий ва маиший хизмат кўрсатиш орасидаги номутаносиблик кўзга ташланадиган тарихан юзага келган шаҳарларнинг шаҳарсозлиги, қайта қуриш ва комплекс қурилиши ривожининг асосий масалаларини белгилаб берди.

Республика президенти И.А.Каримов ташаббуси билан авж олган Тошкентнинг эски шаҳар қисмини реконструкциялаш бўйича кенг қўламли тадқиқот ишлари охириги йилларнинг характерли хусусиятидир. Шаҳарнинг кўп асрлик тарихида ҳали бўлмаган қабул қилинган тадбир- бу ердаги лой ёки синчдан тартибсиз қурилган бир ва икки қаватли турар жойлардан иборат ҳудудни янгилаш ва ободонлаштириш, эски шаҳар қисмида яшовчи аҳолини замонавий муҳандислик қулайликлари билан таъминлаш. Янгилаш стратегияси ўтмиш, ҳозирги давр билан муваффақиятли уйғунлашиши учун халқимиз меъморий ва тарихий меросига эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлишни назарда тутди.

Сиёсий муҳитдаги ўзгаришлар сабабли Ўзбекистон тарихий шаҳарларининг эски шаҳар қисмларини сақлаш ва реконструкциялашнинг имконияти пайдо бўлди.

Ўзбекистонда 20га яқин шаҳар тарихий ҳисобланади: Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хифа, Шаҳрисабз, Вобкент, Ғиждувон, Андижон, Наманган, Қўқон, Марғилон, Қарши, Китоб, Термиз, Чуст и бошқалар. Шаҳрисабз 2000 йиллик тарихга эга ва ноёб тарихий ва маданий ёдгорликларга эга шаҳарлар каторида дунё миқёсида тан олинган [31].

Тошкентнинг тарихий биноларини максимал даражада сақлаб қолишга интилиш бир томондан, унинг янги шаҳарсозлик талаблари, пойтахт Тошкентни кучайтириш, айниқса марказнинг тарихий зонасидаги кескин вазифалари билан тўқнашади, бошқа томондан тарихий қийматга эга бўлган турар жойларнинг нокапиталлиги билан мураккаблашади.

Тошкент шаҳрининг эски шаҳар қисмини социал ва шаҳарсозлик жиҳатидан ўзгартиришлар жараёнида муҳим ўзгаришлар келиб чиқди, 80 фоизгача тарихий қийматга эга турар жой бинолари бузиб ташланди, кўплаб тарихий ва маданий ёдгорликлар йўқ қилинди, тарихий –меъморий ёдгорликлар муҳофаза зоналаридаги функционал ва композицион тузилишлар бузилди, планировка тузилишининг радикал ўзгаришлари бўлди.

Буларнинг ҳаммасига сабаб, совет даврида ишлаб чиқилган шаҳарлар бош планларининг илгариги лойиҳаларида ушбу муҳит, яъни тарихий бинолар ўз даврини яшаб бўлган деб ҳисобланарди; бу тарихий районларда “замонавийлик” остида туб ўзгартиришлар назарда тутилган, тарихий турар жойлар, гузарлар, кўчалар ва берк кўчаларни деярли бутунлай бузиб ташлаш; эски шаҳар ҳудудида маҳаллий аҳолининг анъанавий турмуши ва ҳаёт тарзи инобатга олинмаган кўп қаватли турар жойлар қуриш, эски шаҳарнинг “тирик тўқима”сини кесиб ўтувчи тўғри бурчакли тармоқни ўтказиш- мана, эски шаҳарни ўзгартиришнинг илгариги концепциялар муаллифлари томонидан белгиланган тадбирларнинг тўлиқсиз-чала рўйхати.

Аммо ҳозирги вақтда маҳалла тарихий меросини баҳолашда, айниқса фақат лойиҳалар тузилишидан олдин эмас, тадқиқот қилинаётган районнинг, меъморий ёдгорликларнинг, маҳалла силуэти, шаҳарсозлик экстерьерларининг тарихий планининг шаклланиш жараёнининг ёритилиши билан бир вақтда олиб борилиши керак бўлган тарихий-шаҳарсозлик тадқиқотларида анча жиддий нуқсон бор. Улар тарихий ривожланишнинг анъана ва қонуниятларини кўрсатиб бериши, меъморий ёдгорликлар, турар жойлар ҳажмий-планировка тузилишининг фазовий системаси ва берилган маҳалла ландшафтининг ҳозирги қийматини белгилаши ва уларни муҳофаза қилишнинг усуллари таклиф этишлари керак. Уларни комплекс ҳал этиш учун шаҳар қарияларини, тарихчилар, археологлар, санъатшунослар ва бошқа мутахассисларни жалб этиш зарур.

Тошкент шаҳрининг тарихий қисмини шаҳарсозлик реконструкциялаш муаммолари билан кўплаб тадқиқотчилар шуғулланган: меъморлар, тарихчилар ва археологлар. Улар архитектура докторлари, профессорлар Асқаров Ш.Ж., Булатов М.С., Қодирова Т. Ф., Нильсен В.А., Ноткин И.И., Салимов О. М. архитектура номзодлари: Одилов С. Р., Зияев А. А., Коробовцев Г. И., Пўлатов Х. Ш., етакчи меъморлар Мирошниченко Ю.Г.

Тошкент шаҳри тарихий қисмида изчил ривожланиш натижасида бир томондан турар жой районининг ноқулайлик, юқори ёзги ҳарорат, шунингдек шаҳар юзага келтирадиган ноҳуш омилларга: шовқин, ҳаво бассейнининг ифлосланиши ва бошқа шароитларида нисбатан ижобий муҳитини яратиш, бошқа томондан эса суғориладиган ер иқтисодидаги алоҳида қаттиқ талаб, бунга сабаб шуки, биринчидан, тарихий ҳудудлар ошганда ички резервлар жуда чегараланади, иккинчидан, шаҳар тарихий қисми атрофида сайёҳлик ривожига чет эллик сайёҳлар учун халқ-амалий ижоди ва ҳунармандларнинг санъатини реклама қилиш марказини ташкил қилиш учун резерв ҳудудлар бўлмайди.

Маълумки, Тошкент шаҳрининг тарихий юзага келган қисмини реконструкциялаш босқичи шаҳарсозлик ғояларининг умумий даражасида,

меросга бўлган муносабатда, жамият моддий-техник базасида, унинг келажак ҳақидаги ғамхўрлигида акс этади. Шаҳарнинг илгари юзага келган қисмини қайта қуриш, реконструкциялашнинг ҳозирги босқичи ва шаҳарсозлик ривожини суръатларининг тезлашуви халқимиз ҳаётидаги ўзгаришларда юз бераётган туб сифат силжишларининг гувоҳи ҳисобланади. Бу ўзгаришларнинг моҳияти замонавий турмуш ҳамма шакллариининг эски шаҳарга фаол, соғломлаштирувчи кириб келишидан ва бир вақтнинг ўзида граждан ва мудофаа иншоотларининг яратилишидан иборатдир.

Келажакдаги кутилаётган ўзгаришларнинг профессионал баҳосининг мураккаблиги қатор жиҳатлар билан аён бўлади. Бу моддий маданият ёдгорликларининг тўпланган жойлари муҳофазасига ва унинг реконструкциясига нисбатан комплекс шаҳарсозлик ёндошувининг нисбий янгилиги, бинолар қиёфасини тиклашда унинг ички тузилишининг тўлиқ модернизациясида Европа шаҳарлари тажрибасини қўллаш имконини бермайдиган Тошкент шаҳри спецификасидир.

Ниҳоят, икки минг йилдан ортиқ вақтни ташкил этган, кўп қатламли планировка тузилишида сақланиб қолган ва ҳозирда мавжуд шаҳарнинг босиб ўтган ривожланиш йўлининг такрорланмаслиги эътиборга лойиқ.

Бўлим бўйича хулосалар (Эски шаҳарни қайта қуришнинг ташкилий ишлари. Йирик жойларда (Чорсу, Хадра, Эски Жўва)

Изланишлар натижасида қуйидаги хулосаларга келинди:

- модернизацияланаётган фазонинг энг мақбул ечими ва тарихий-маданий қиймат ҳамда миллий бойликни намоён қилувчи меъморий меросни сақлаб қолиш имконини беради;

- ҳажмий-фазовий ечим ва декоратив ҳамда бадиий-композицион усулларни сақлайди;

- муҳандислик системасини янгилайди, шаҳарнинг эски қисми бутун ҳудуди бўйлаб қулайлик ва хизмат кўрсатиш шароитларини яратади;

- сув ресурсларидан фойдаланган ҳолда, кўчалар, турар жойлар, маҳалла марказларини суғоришнинг анъанавий усулларида фойдаланиш йўли билан эстетик ва қулай ландшафт муҳитини яратади;

- реконструкцияланган тарихий бинолар ҳудудида яшовчи ва бу ерда сайёҳликни ривожлантиришга ёрдам берувчи инсонлар учун замонавий шароитлар яратилади.

- шаҳарларни қайта тиклашда мамлакатимизда мавжуд замонавий меъёр ва қоидаларига жавоб берувчи замонавий қурилиш материалларини қўллаш маъқулдир. Қоплама материаллар учун анъанавий сувоқ, ёғоч деталлар ва безак элементларидан фойдаланиш ўринли. Устунлар, тўсинлар, тўсиқлар, зинапоялар, дераза ёки дарча эшиклари, соябонлар фермалари ва бошқалар шундай деталлар ҳисобланади.

УМУМИЙ ХУЛОСАЛАР (Президент қарорига кўра эски шаҳарни 2020 йилгача қайта қуриш ва уни ҳаётга татбиқ этиш муаммолари)

Умумий хулоса қилганда Тошкент шаҳрининг эски шаҳар қисмини реконструкция қилиш тарихини бир нечта босқичга бўлиш мумкин:

1) 1929–1933 йиллар: 1929 йилда Тошкент шаҳрида А.А.Сильченков раҳбарлигида Марказий Осиё шаҳарларини қайта режалаштириш бўйича Бюро ташкил қилинган. Ҳал қилинадиган масалалар бошида эски ва янги Тошкентнинг ягона шаҳар хўжалиги сифатида қўшилиши масаласи бўлган. Лойиҳада А.А.Сильченков томонидан саноатни шаҳар ташқарисига олиб чиқиш мўлжалланган. Шунингдек эски шаҳар маркази йўқ қилиниб, унинг атрофида федерал районларни барпо қилиш режалаштирилган.

2) 1933–1937 йиллар: бу лойиҳа Н.Н.Семёнов раҳбарлигида амалга оширилган. Унда радиал-ҳалқасимон режа кучайтирилган. Собиқ совет тузуми даврида тарихий шаҳарларни қабул қилмаслик, уларни топонимикасини бузиб кўрсатиш авж олган.

3) 1968–1970 йиллар: бу лойиҳа таклифи Ю.Пурецкий, М.Г.Лифановская, А.И.Ванке томонларидан берилган. Унда радиал-ҳалқасимон режа бўйлаб тезқатнов магистраллар ўтказилган. Улардан бири Оҳангарон–Сарағоч йўналиши бўлиб, тарихий шаҳар бўйлаб ўтган. 1980 йилда эски шаҳар ҳудудида архитектура ёдгорликлари ажратиб чиқарилган. Шунингдек, эски шаҳарнинг Чиғатой, Сағбон, Қорасарой кўчаларини шаҳарнинг транспорт тизимига киритишга қарор қилинган. 1980 йил охирларида тарихий шаҳарлар режаларининг қонуниятларини ҳисобга олган ҳолда, реконструкция концепциясини янгилаш бўйича республика ҳукуматининг Қарори қабул қилинган эди.

4) 1988–1990 йиллар: бу лойиҳада ижтимоий-демографик структурани сақлаш, хароба уйларни замонавий коттедж, маҳалла марказларига алмаштириш ишлари режаланган. Эски шаҳарнинг шимоли-ғарбий қисми

реконструкцияси ишлари, шунингдек Калковуз маҳалла-микрорайонининг экспериментал лойиҳа таклифлари берилган.

5) Мустақиллик йиллари: тарихий шаҳарларни сақлаб қолиш Ўзбекистон Республикасининг давлат сиёсати мақсадига айланди. Тарихий шаҳарни замонавий шаҳарнинг таркибий қисмига айланиши учун, уни албатта замонавий инфраструктура билан таъминлаш зарур эди.

Бугунги кунда Тошкент шаҳрининг энг муҳим қисми бўлган эски шаҳар ҳудудини тубдан реконструкция қилиш ва ободлаштириш ишларини янги босқичга кўтариш алоҳида эътиборга молик. Шу муносабат билан яқинда Тошкентнинг эски шаҳар қисмини 2020 йилгача бўлган даврда ривожлантириш ва ободонлаштириш бўйича алоҳида ҳужжат – Президент қарори қабул қилинди. Ушбу қарор бўйича реконструкция ишларини амалга оширишда Тошкент шаҳри, айниқса унинг эски шаҳар қисмидаги миллий меъморчилигимизнинг ўзига хос хусусият ва анъаналарини, ҳалқимиз маданий меъросининг тимсоли бўлган тарихий–меъморий ёдгорликларини асраб-авайлаш долзарб масалалардан бўлиб турибди.

Президент қарорига кўра ҳозирда Эски тошкент ҳудудидан энг кичик ҳалқа йўл ўтказилмоқда. Бу ҳалқа йўли Эски шаҳар марказида вужудга келаётган тирбандликларнинг олдини олади ва ҳудуд модернизация қилинади.

Л У Ё А Т

- Акведук** – Нов, сув ўтказувчи қурилма
- Ансамбл** – Бадиян яхлит мажмуа
- Арзхона** – Хон, ҳоким саройидаги қабулхона
- Банд** – Тўғон
- Берун** – “Ташқари” маъносини билдирувчи ибора
- Бозор** – Савдо қилиш жойи
- Бозори шаъб** — кечки бозор, аксари рамазон ойида уюштирилган
- Боғот** – шаҳар ташқарисидаги боғли жойлар
- Вилла** – шаҳар ташқарисидаги сарой
- Вихара** – Буддавийликдаги роҳибгоҳ, монастир
- Гузар** – 1. Бухоро, Самарқанд каби шаҳарлардаги кичик шаҳарсозлик бўлинмаларга нисбатан ишлатиладиган ибора, маҳалла;
2. Маҳалла (ёки маҳаллалар) маркази
- Дарб** – кириш жойи, шаҳарнинг кичик дарвозаси (мас.: Бинкадда)
- Дарвоза** – йирик кириш жойи, шаҳарларга кириш жойи
- Дарун** – “ичкари” маъносини билдирувчи ибора
- Даҳа** – йирик шаҳарсозлик бўлинма
- Девон** – маъмурий бино
- Диз** – Қадимги Турон (Ўрта Осиё) шаҳарларининг қалъаси
- Жариб** – Бухородаги йирик шаҳарсозлик бўлинма
- Жиловхона** – саройга қиримдан олдин улов қўйиб қириладиган жой
- Жоме**– шаҳар миқёсидаги масжид
- Зафар тоқиси** – Қадимги Римда ва кейинчалик Оврупода кенг тарқалган йўл устидаги тантанавий қурилма
- Зафар устун** – Ҳоким ёки саркарда шарафига қурилган устунсимон қурилма
- Ибодатхона** – ҳайит намозлари ўқиладиган жой; “намозгоҳ” деб ҳам аталади
- Истеҳком** - вақтинчалик ёки доимий тарзда истеҳкомат қилинган жой
- Кад** - қишлоқ саройи

Канал - сунъий арик

Канпирак девор - обод ерларни (шаҳар ва қишлоқларни) муҳофаза қилувчи девор

Кент - шаҳар, шаҳарча

Комплекс - бинолар мажмуаси

Кунгура - девор устидаги унсур; дастлаб муҳофаа мақсадида, кейин безак сифатида ҳам қўлланилган

Кўҳна - жойнинг камида қадимлилигини кўрсатувчи қўшимча, мас.: Кўҳна Урганч

Ландшафт - ер сатҳи

Мавзе - фойдаланиладиган ҳудуд, Тошкент атрофидаги ерларнинг номи

Мадина - шаҳар, шаҳарнинг асосий қисми

Майдон - жамоат мақсадларида фойдаланиладиган кенглик

Маҳалла - 1. кичик шаҳарсозлик бўлинмаларни ифода этувчи кенг тарқалган ибора; 2. Бухорода катта шаҳарсозлик бўлинмани ҳам ифода этган бошқачи номи “жариб”

Монастир - роҳиблар истиқомат қиладиган мажмуа, роҳибгоҳ

Намозгоҳ - ҳайит намозлари ўқиладиган жой; “ийдгоҳ” ҳам дейилган

Обраҳа - сув йўли

Ориентация - дунё томонларига нисбатан жойлашув

Пештоқ - бинонинг кириш қисми

Рабод - шаҳарнинг атрофдаги қисми

Работ - шаҳарлар оралиқларидаги қалъа

Раста - бозорда бир хил мол билан савдо қилинувчи қатор

Регистон – шаҳардаги асосий майдон

Роат - йирик шаҳарсозлик бўлинма (Хўжандда)

Сарой - ҳашаматли турар уй-жой мажмуаси

Тим - усти ёпик; бозор

Урбанизация - шаҳарлар пайдо бўлиши; шаҳарлашув

Ҳиёбон - томонлари дов-дарахт билан ободонлаштирилган йўл

Ҳисор - шаҳар, мас.: Самарқанддаги Болаҳисор-Афросиёб

Чаман - гулзор

Чорбоғ - мунтазам тарҳли боғ тури

Чорраҳа — икки йўлнинг кесишган жойи

Чорсу - чорраҳадаги савдо биноси

Шаҳар - йирик аҳоли жойи

Шаҳарлашув - шаҳарларнинг вужудга келиш жараёни, урбанизация

Шаҳарсозлик - шаҳарлар барпо этиш соҳаси

Шаҳристон - шаҳарнинг асосий қисми

Эски - аҳоли жойи номида қуриш вақти жиҳатидан олдинги қисмини ифодаловчи қўшимча, мас.: Эски Ниса

Юлдуз - классицизм шаҳарсозлигида йўллари радиал йўналишда таралган кенгликнинг (майдоннинг) шоирона ўхшатма ибораси, мас.: Версалдаги Қирол юлдузи, Париждаги Юлдуз майдони

Янги - аҳоли жойи номидан қурилиш вақти жиҳатидан кейинги қисмини ифодаловчи қўшимча, мас.: Янги Ниса

Ўрда - ҳоким қароргоҳи (мас.: Худоёрхон Ўрдаси) ёки маъмурий бино (мас.: Бухоро Аркидаги Қушбеги Ўрдаси)

Қалъа - 1. ҳарбий жиҳатдан мустаҳкам истехком,

2. шаҳар, масалан: Хивадаги “Ичан қалъа” ибораси “ички шаҳар”, “Дишан қалъа” ибораси “ташқи шаҳар” маъноларини билдиради

Касаба - кичик шаҳар

Қўрғон - мудофаа иншооти муҳофазаланган

Девор - шаҳар қалъа девори

Қўриқхона - ўзлаштиришдан муҳофаза қилинган ҳудуд

Ҳазира - қабристонда атрофи девор билан ўралган хилхона

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ислом Каримов. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида.-Т., “Ўзбекистон”, 1997.
2. Ислом Каримов. Тарихий хотирасиз келажак йўқ.-Т., “Шарқ”, 1998.
3. Ислом Каримов. Ўзбекистон XXI асрга интилоқда.-Т., “Ўзбекистон”, 2000.
4. Ислом Каримов. Мамлакатимиз тараққиёти ва халқимизнинг ҳаёт даражасини юксалтириш-барча демократик янгиланиш ва иқтисодий ислохиятимизнинг пировард мақсадидир.-Т., “Ўзбекистон”, 2007
5. Азимов И.М. Архитектура Узбекистана XVIII – нач. XX вв. (традиции и локальные особенности). Автореф. дисс. на соиск. уч.степени докт.архит. – Москва, 2000.
6. Аскарлов Ш.Д. Регион – пространство – город. Москва, 1988.
7. Аскарлов Ш.Д. Становление социалистической архитектуры в Средней Азии 20-х – нач. 30-х годов. Автореф.дисс. на соискание уч.степени канд.архит. – Ташкент, 1975.
8. Аскарлов Ш.Д. Архитектура Узбекистана и стран СНГ. –Т., 2012.
9. Аскарлов Ш.Д. Генезис архитектуры Узбекистана. –Т., 2014.
10. Ахмедов М.К. Ансамблевая застройка: традиции и преемственность // Альманах: Архитектура Узбекистана. Ташкент, 1985, с.9-12.
11. Булатов М.С. Геометрическая гармонизация в архитектуре Средней Азии IX-XV вв. – М., 1979.
12. Валиев Р., Кадырова Т., Умаров А. Архитектор и время. Ташкент, 1982.
13. Гулямов С.С., Убайдуллаева Р.А., Ахмедов Э.А. Независимый Узбекистан. Ташкент – «Мехнат» - 2000.
14. Дмитриев В.М. Вопросы использования архитектуры узбекского народного жилища в современной практике. – Ташкент, 1980.
15. Захидов П.Ш. Основы канона гармонии в архитектуре. Ташкент, 1982.
16. Зияев А.А. Этапы формирования и перспективного развития центра г.Ташкента. Автореф. дисс. на соискание уч.степени канд.арх. 1984.
17. Зияев А.А.Ташкент. Древность и средневековье. Часть I, Т., 2009.

18. Зияев А.А.Ташкент XVII-начало XX в. Часть II, Т., 2009.
19. Зияев А.А.Ташкент XX-начало XXI вв. Часть III, Т., 2009.
20. Кадырова Т.Ф. Архитектура Советского Узбекистана – М.: Стройиздат, 1972; 132 с. (соавторы с Бабиевский К.С., Турсунов Ф.Ю.).
21. Кадырова Т.Ф. Современная архитектура Узбекистана. – Ташкент: Изд-во литературы и искусства; 1974, 156 с.
22. Кадырова Т.Ф. Новое строительство в Ташкенте. – М.: Стройиздат, 1976; 87 с. (в составе авторского коллектива).
23. Кадырова Т.Ф.Архитектура центра Ташкента. – Ташкент: Изд-во литературы и искусства; 1976, 28 с., с фотографиями.
24. Кадырова Т.Ф. Tashkent (книга-альбом на англ. и русск. яз.) – Ленинград: Изд-во «Аврора», 1977; (соавтор с М.Булатов).
25. Кадырова Т.Ф. Жить, чтобы созидать (о творческой деятельности арх. М.Булатова) – Ташкент: Изд-во литературы и искусства, 1978, 64 с. с иллюстрациями (соавтор Стриньковский В.).
26. Кадырова Т.Ф. Архитектура Советского Узбекистана.– М.: Стройиздат, 1987; 319 с., 344 иллюстр.
27. Қодирова Т.Ф. Ўзбекистонинг замонавий меъморчилиги. Ўқув қўлланма – Тошкент: Давлат Техника Университети, 1995; 50 б.
28. Кадырова Т.Ф. Обновление исторической среды на примере Ташкента. Сб. «Turkish architecture and settlements», Istanbul, 1997.
29. Қодирова Т.Ф. Навоий-Навои-Navoi (монография об архитектуре и градостроительстве города Навои на узб., русск. и англ.яз).-Тошкент: Адабиёт ва санъат нашр., 2000 й., 72 б.
30. Кадырова Т.Ф. Пути архитектурного возрождения Узбекистана за XX-начала XXI вв. (традиции и современность). Т., 2007.
31. Qodirova T.F. O'zbekiston istiqlol yillari me'morligi. O'quv qo'llanma. Т., 2010.
32. Нозилов Д.А.Марказий Осиё меъморчилигида интерьер. Ташкент, 2005.
33. Нильсен В.А. У истоков современного градостроительства Узбекистана (XIX – начало XX вв.). Ташкент. 1988.

34. Пугаченкова Г.А. Средняя Азия. Справочник-путеводитель. – М., 1983.
35. Пулатов Х.Ш. Архитектура – планировочная структура старого Ташкента. Конец XIX-начало XX века. Автореф.дисс. на соискание уч.степени канд.арх. – Ташкент, 1994.
36. Республика Узбекистан: Энциклопедический справочник. // Авт.-сост.: Н.Тухлиев, А.Кременцова/ - Т.: Гос.науч.изд-во «Ўзбекистон миллий энциклопедияси», 2001.
37. Ёролов А., Юсупов Р. Ёрта Осиёнинг ўтмишдаги таълим-тарбия ва илм-фан м асканлари.- Самарқанд, 2005.
38. Ёролов А.С., Саидов И.М. Ёрта Осиё меъморий ёдгорликлари-Ватанимиз тарихини ўрганишнинг моддий манбалари.-Самарқанд, 2009.
39. Ўзбекистон Республикаси шаҳарсозлик кодекси. Т., 2006.
40. [www. zarnews.uz](http://www.zarnews.uz).
41. www. Ziyonet.uz.
42. www. centrasia.uz.

“Тасдиқлайман”

“Архитектура тарихи ва назарияси”

Кафедраси мудири

20__ -йил «__» _____

МАГИСТРЛИК ДИССЕРТАЦИЯСИ БЎЙИЧА ТОПШИРИҚЛАР

Тошкент Архитектура – Қурилиш институти ректорининг 20__ - йил «__»
_____ даги _____ сон буюруғи билан тасдиқланган
«Архитектура тарихи ва назарияси» кафедраси бўйича _____

_____ магистрлик диссертацияси илмий рахбар _____

бошчилигида _____

томонидан тугалланган ҳолда 20__-йил «__» _____ да
«Архитектура тарихи ва назарияси» кафедрасига дастлабки химоя учун
тақдим этиши керак.

Тадқиқот иши _____

_____ фойдаланилди

Ишчи _____

_____ бериш кўзда тутилади

Ишда қуйидаги масалалар баён этилади:

1- _____

2- _____

3- _____

Илмий рахбар _____

Тингловчи 20__ -йил «__» _____ да топширикни қабул қилди.

МАГИСТРЛИК ДИССЕРТАЦИЯСИНИНГ ДАСТЛАБКА
НУСХАСИНИ ТУГАЛЛАШ МЎЛЖАЛИ

1- Боб _____

20__ -йил «__» _____

2- Боб _____

20__ -йил «__» _____

3- Боб _____

20__ -йил «__» _____

Диссертаци «Архитектура тарихи ва назарияси» кафедрасида

20__ -йил «__» _____ да дастлабки химоядан ўтади.

Топширик берилди: _____

Топширик берилди: _____